

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА
МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

**СПОРТ ФАОЛИЯТИ
йўналиши
“СПОРТДА ТИББИЙ ВА БИОЛОГИК
ТАЪМИНОТ”**

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

Н.Б.Турсунов – Ўзбёқистон давлат жисмоний тарбия институти, “Спорт тиббиёти ва ДЖТ” кафедраси т.ф.н. доцент.

Тақризчи:

Баек Мун Жон – Баек Мун Жон – Жанубий Корея, Ховон университети профессори.

Н.Г.Гулямов - Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти, т.ф.д., профессор

Ўқув -услубий мажмуа Ўзбёқистон давлат жисмоний тарбия институти
Кенгашининг 2016 йил _____ даги ____-сонли қарори билан нашрга
тавсия қилинганд.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| I. Ишчи дастур | 3 |
| II. Модулни ўқитища фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари | 10 |
| III. Назарий материаллар | 16 |
| IV. Амалий машғулот материаллари..... | 63 |
| V. Кейслар банки | 70 |
| VI. Мустақил таълим мавзулари | 74 |
| VII. Глоссарий | 74 |
| VIII. Адабиётлар рўйхати | 77 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан, илғор хорижий адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогик маҳоратни ошириш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, тингловчи шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндошувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларини амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим – тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Дастурда спортчи организмини ташқил этувчи тизимлар, аъзолар ва тўқималарда жисмоний фаолият натижасида вужудга келадиган морфологик ва функционал ўзгаришлар, шунингдек, ўқитувчи ва мураббийлар учун энг зарур бўлган тиббий-биологик жараёнларга оид турли меъёрий маълумотлар ўрганилади. Ҳозирги вақтда бутун дунёда долзарб бўлиб турган иккита йўналишга, яъни спорт танловини самарадорлигини ошириш (спорт морфологияси) ҳамда спорт ва жисмоний фаолият натижасида организмда ривожланадиган мослашиш (адаптация) жараёнларига алоҳида эътибор қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Спортда тиббий-биологик таъминот” **модулнинг мақсади** – спорт турларини танлашда морфофункционал қўрсаткичларнинг аҳамияти, ирсият ва ташқи мухитнинг спортчи танасининг конституцияси шаклланишига таъсири, маълум спорт турига хос бўлган муайян хусусиятларни ривожлантириш ва маҳоратини оширишини олдиндан ташхис қила билиш соҳасида билимлар тизими ва кўникмаларни ўзлаштиришдан иборатdir.

“Спортда тиббий-биологик таъминот” модулининг вазифалари:

1. Спортда тиббий-биологик таъминотга оид анъанавий ва замонавий услубларнинг моҳиятини ёритиш;
2. Спорт танлашда морфофункционал ва антропогенетик кўрсаткичларни мажмуавий тахлил қилишни ўрганиш;
3. Мослашув (адаптация) жараёнини умумий тиббий-биологик назарий асослар – спортчи организмини ташқил этувчи тузилмаларнинг фаолиятидан келиб чиқан холда ўрганиш;
4. Спортчи тана конституциясини ташқил этувчи морфофизиологик, биокимё ва биомеханик хусусиятлари, генотип ва фенотип, ирсий ва ташқи муҳит омиллари, турли спортчиларнинг морфотипларини ўрганиш;
5. Спортчининг ёшига нисбатан қонституционал морфологияси асосларини ўрганиш;
6. Спорт танлови ва ориентацияси масаласини хал этиш жараёнида спортчи организмида компенсатор-мослашув механизmlарини баҳолаш ҳамда патологияядан олдин ва патологик ўзгаришларнинг вужудга келишини олдини олиш чора-тадбирларини белгилаб амалиётда қўлла олиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, қўнимаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- спортчи организмига жисмоний машқларнинг таъсири, спорт иш қобилиятини ҳамда машғулот ва спорт мусобақалари натижаларини тиббий-биологик жиҳатидан тахлил қилишни;
- ўқув-машғулот жараёнининг асосий тиббий-биологик тамойиллари, спортчиларнинг турли қонтингентининг жисмоний тайёргарлигининг ўзига хос хусусиятларини;
- юқори малакали спортчиларнинг физиологик моделига хос хусусиятлари, қайта тикловчи машғулот жараёнларининг физиологик асослари;
- физиологик инструментал услубларнинг хусусиятларини;
- танланган спорт турларида спортчи тана конституциясининг хусусиятлари, уни шаклланишига таъсир этувчи ирсий ва ташқи муҳит омилларини тахлил қилишни;
- ирсий ифодаланган генетик маркерларни спорт амалиётида қўллаш ва жисмоний сифатларни башорат қила олиш каби **билимларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- суяклар, турли мушаклар гурухлари ва ички аъзоларида оптимал ва шиддатли юкламалар, статик ва динамик юкламалар таъсирида вужудга келадиган морфологик ўзгаришларни аниқлаш услубларини қўллаш;
- спортчиларни тайёрлаш жараёнида уларга морфофункционал жиҳатидан ривожланиш даражасини аниқловчи турли ёрдамчи воситаларни (ўлчов асблари, меъёрий мезонлар, тест ва машқлар, маҳсус формула ва шкалалар) қўллаш;
- антропометрия – тананинг тотал ва парциал ўлчовларини аниқлаш;
- соматометрия ва соматоскопия услубларни қўллаш ва олинган натижаларни баҳолаш;
- дерматографика услубни қўллаш ва олинган натижаларни баҳолаш;
- гониометрия ва динамометрия услубларни қўллаш ва олинган натижаларни баҳолаш каби **кўникма ва малакаларга** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- мазкур модул давомида олинган назарий билим ва амалий кўникмалар асосида ўқув жараёнида мустақил машғулотлар ўтказиш;
- турли тиббий-биологик услубларни мустақил тадқиқотларда қўллаш;
- спортчининг функционал имқониятларини аниқловчи услубларни қўллаш ва олинган натижаларни баҳолаш;
- юқори малакали спортчиларнинг физиологик моделига хос хусусиятлари, қайта тикловчи машғулотларни ташқил қилиш;
- спортда тиббий-биологик таъминотини ташқил эта олиш каби **компетенцияларини** эгаллаши лозим.

Модулни ташқил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Спортда тиббий-биологик таъминот” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммункация технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида ақлий ҳужум, ўйланг-жуфтликда ишланг-фирқр алмашинг каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;
- амалий машғулотларда баҳс-мунозара, тушунчалар тахлили, ақлий ҳужум, кейс, гурухларда ишлаш каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Спортда тиббий-биологик таъминот” ўқув модули “Юқори малакали спортчиларни тайёрлашнинг замонавий технологиялари”, “Болалар ва ўсмирлар спортидаги долзарб масалалар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг мобиливалар яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий ва инновацион хорижий маълумотларни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат | | | | | Мустақил таълим | |
|----|--|-----------------------------------|-------------------------|----------|-----------------|----------|-----------------|--|
| | | Ҳаммаси | Аудитория ўқув юкламаси | | жумладан | | | |
| | | | Жами | Назарий | Амалий машгулот | | | |
| 1. | Адаптация таълимотининг тиббий-биологик асослари. Жисмоний юкламалар таъсирида суяқ ва мушак тизимидағи морфологик ўзгаришлар. | 4 | 4 | 2 | 2 | | | |
| 2. | Спортчиларнинг қонституционал хусусиятлари ва уларнинг спорт амалиётидаги моҳияти | 6 | 4 | 2 | 2 | 2 | | |
| 3. | Генетик маркерлар ва спорт танлови. Спорт танловининг турлари ва унинг тиббий-биологик асослари. | 4 | 4 | 2 | 2 | | | |
| | Жами | 14 | 12 | 6 | 6 | 2 | | |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Адаптация таълимотининг тиббий-биологик асослари.

Ҳозирги замон адаптация назариясининг холати. Таянч-харакат аппаратининг жисмоний ишга адаптация асослари. Суяклар ўсиши ва тузилишидаги бажарадиган функцияга мувофиқ ўзгаришларнинг асосий қонуниятлари. Спортчилар суякларининг адаптацияларида реакция меъёрларининг аҳамияти. Адаптация фазалари ва уларнинг морфологик таърифи. Мушаклар шаклларининг ўзгаришлари. Статик ва динамик типдаги жисмоний иш таъсири натижасида суяк ва мушак тизимларда морфологик ўзгаришлар. Хаддан ташқари жисмоний юклама таъсирида мушак тизимидағи патоморфологик ўзгаришлар.

2-мавзу: Спортчиларнинг қонституционал хусусиятлари.

Қонституционал морфология ва унинг таърифи. Қонституционал схемалар таснифи. Конституционал морфология ҳақидаги билимларнинг одам жисмоний тараққиёти билан боғлиқлиги. Одам конституциясининг асосий қисмлари – компонентлари: тана ўлчовлари, пропорциялари, тана ҳажмининг таркиби. Тана ўлчовларининг ўзгарувчан турлари. Тананинг тотал (умумий) ва парциал (қисм) ўлчовлари. Тана таркибини аникловчи услублар. Антропометрия ва антропоскопия ўтказиш қоидалари. Антропометрияда қўлланувчи асбоблар. Тана тузилишининг баркамол ривожланиши ҳақида тушунча. Тана пропорцияси турлари, уларни тана ўсиши ва ривожланишига монанд ўзгариб бориши. Соматотипларнинг таърифи ва таснифи, жисмоний ривожланиш билан ўзаро боғлиқлиги. Тана қомати, унинг таснифи ва анатомик асослари. Одам танасининг симметрик ва асимметрик тузилиши. Қоматни ёшга қараб ўзгариши.

3-мавзу: Генетик маркерлар ва спорт танлови.

Генетик маркерлар ва уларнинг турлари. Абсолют ва нисбий ифодаланган генетик маркерлар. Генетик маркерлар тўғри сида тушунча. Генетик маркерлар – ирсий ифодаланган белгилар сифатида қўллаш. Генетик услубларнинг таснифи ва улардан популацияларни аниклашда, тиббиётда хасталик ва нуқсонларни ташхислашда фойдаланиш. Спорт танлови тўғрисида тушунча. Спорт танловининг турлари. Спорт танлови тўғрисида тушунча.

Спорт танловининг аҳамияти. Спорт танловида ташхисловчи генетик маркерларнинг аҳамияти. Спортда инсон жисмоний сифатларини олдиндан башорат қилиш. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахсни муайян спорт турига мойиллигини ёки иқтидорлигини аниқлаш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Жисмоний юкламалар таъсирида суяқ ва мушак тизимидағи морфологик ўзгаришлар.

Организмнинг жисмоний юкламаларга мослашиб бориш йўллари. Адаптацияни бошқариш ва уни морфологик кузатиш. Суяқ тизимини жисмоний юкламаларга мослашиш хусусиятлари. Мушаклар ва суяқ дастаклари орасидаги муносабатларнинг биомеханик асослари. Мушак тизимини жисмоний юкламаларга мослашиш хусусиятлари. Статик ва динамик юкламалар таъсирида мушак тизимида морфологик ўзгаришлар. Юқори даражали жисмоний юкламалар таъсирида мушаклардаги ўзгаришлар аниқлаш.

2-амалий машғулот:

Спортчиларда конституционал хусусиятларининг спорт амалиётидаги моҳияти.

Тотал ва парциал ўлчовларни аниқлаш. Тана компонентларининг микдорий кўрсаткичлари асосида тана соматотипини аниқлаш. Соматоскопия ўлчаш усуслари: пальпация, перкуссия, аускультация. Соматоскопия кўсаткичларини ифодаловчи константалар. Бойд жадвалини қўллаш. Матейка формулаларидан фойдаланиш. Турли мутахассисли спортчиларда жисмоний юкламалар таъсирида тана пропорциялари, таркиби ва конституцияси ўзгаришини аниқлаш. Тана пропорциялари билан тотал ўлчовлари орасидаги ўзаро боғланишларни баҳолаш.

3-амалий машғулот:

Спорт танловининг турлари ва унинг тиббий-биологик асослари.

Спорт танловини самарали амалга оширишда кўмакловчи усувлардан фойдаланиш. Генеалогия усули: авлодлар шажарасини тузиш ва тахлил қилиш. Эгизаклар усулининг моҳияти ва спортда қўллаш афзалликлари. Цитогенетик усулни қўллаш босқичлари. Иммуногенетика усулининг спортда мономорфизм ва полиморфизмни аниқлашдаги ўрни. Ирсий мойиллиги мавжуд

хасталикларни ташхислашда клиник-биокимё усулларни қўллаш. Дерматографика усулини спорт амалиётида қўллаш. Спорт танловини объектив үтказиш мақсадида генетик маркер сифатида харакатчанлик белгиларини ривожланиш даражасини баҳолаш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модулни ўқитишида қуидаги ўқитиши шаклларидан фойдаланиш кўзда тутилган:

- кичик маъruzалар ва сухбатлар (эътиборни керакли маълумотга қаратиш уни қабул қилиш кўникмаларини шакллантиради);
- дидактик ва ролли ўйинлар, доира сухбатлари (таклиф қилинган қоидалар асосида фаолият юритиб, ҳамкорликда ишлаш, ўзга фикрни эшлиш ва тинглаш, мантиқий холосалар чиқариш кўникмаларини ривожлантиради);
- муҳокамалар (даъво ва тасдиқловчи қарашлар ва маълумотларни келтириш, ўзга фикрни эшлиш ва тинглаш кўникмаларини ривожлантиради).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

| № | Баҳолаш турлари | Максимал балл | Баллар |
|---|--------------------------|---------------|--------|
| 1 | Кейс-стади топшириқлари | 2,5 | 2,0 |
| 2 | Мустақил иш топшириқлари | | 0,5 |

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

КЕЙС-СТАДИ методи.

«Кейс-стади» (Case-study) – бу реал ёки моделлаштирилган вазиятни муҳокама ва тахлил қилиб, хулоса чиқаришга асосланган таълим тизими. «Кейс-стади» усули ўзида ривожлантиручи таълим технологияларини, жумладан, шахсий ва жамоавий тараққиёт жараёнларини мужассамлаштирган бўлиб, тингловчиларнинг турли шахсий сифатларини шакллантиришга йўналтирилган. «Кейс-стади» – фаол таълим усули тушунилиб, у ўқитувчи томонидан очиқ ёки беркитилган муаммоси мавжуд аниқ вазиятни ифодаловчи топшириқни тингловчилар ўртасида муҳокама қилишни ташқил этишдир.

Кейс – бу ҳаётий воқеа бўлиб, ўз ичидаги зарур маълумотга эга: гурухда муҳокама қилиш учун таклиф қилиниб ва масала бўйича тингловчиларнинг нуқтаи назарини аниқлашга қаратилган қабул қилиш ҳамда муаммо ёки низонинг ечимини топишга мўлжалланган педагогик услугуб.

Кейсни баҳолаши мезонлари:



Кейсни муҳокамаси ва тахлилини ташқиллаштиришда ғояларни генерация қилиш усулини қўллаш алоҳида ўрин тўтади. Мазкур усул «ақлий ҳужум» деб ном олган. Таълим жараённада «ақлий ҳужум» усули иштирокчиларнинг ижодий фаоллигини муҳим ривожлантириш воситаси сифатида намоён бўлади.

«Ақлий хужум» уч фазадан иборат.

| Биринчи фаза | Иккинчи фаза | Учинчи фаза |
|---|--|---|
| Психологик эркинликни хис этиш, стереотипликдан вос кечиш, кулгули ёки омадсиз бўлиб кўринишдан қўрқамаслик. Бу баркарор руҳий холат ва ўзаро ишонч мухитини яратиш орқали рўёбга чиқарилади. Мазкур холатда гоялар ягона муаллифликни йўқотиб, уларни жамоа вужудга келтиради. Биринчи фазанинг вазифаси – эркин ва равон фикрлаш. | Бу ақлий хужум жараёнининг ўзи. Мазкур фазанинг асосий вазифаси – гоялар «тошқинини» яратиш. Иккинчи фазада «аклий хужум» қуидаги тамойилларга мувофиқ амалга оширилади: | Учинчи фаза қуидаги қоидаларга риоя қилган холда муаммонинг ягона ечимини излаш мақсадида гояларни ижодий тахлил қилишдан иборат: |
| «Гоя бўлса – уни ўртага ташлайман, ўзимни гоям бўлмаса – ўзганинг гоясини мухокама қиласман»; | Барча гоялар тахлил қилинади. Биронта гоя камситилмайди; | |
| Барча солиширишларни рағбатлантириш, бунда гоя қанчалик кутилмаган бўлса, шунча яхши; | Гоя маълум тизимга киритилади ва тизимнинг ўзи гояга хизмат қиласми; | |
| Таклиф қилинган гояларнинг сони имкон қадар кўп бўлиши лозим; | Гояларнинг талқини хожатсиз кўпайтирилмайди; | |
| Ўртага ташланган гоялардан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш, шаклини ўзгартириш ва такомиллаштириш мумкин; | Муаммонинг ечимида ёндошиш принципиал янги бўлиши лозим. | |
| Танқид қилиш ман этилади, барча фикрларни қўрқувсиз билдириш мумкин, уларнинг мухокамаси ҳам эркин тарзда олиб борилали; | | |
| Иштирокчиларнинг ижтимоий келиб чиқишининг ахамияти йўқ бўлиб, абсолют демократия ва гоялар устунлиги хукмронлик қиласми; | | |
| Барча гоялар маҳсус «гоялар рўйхатига» киритилади; | | |
| Сўзга чиқиши регламенти (вакти) белгиланади – кўпи билан 1-2 дақиқа. | | |

«Кейс-стади» усули бўйича машғулот ўтказиш мисоли

Мавзу:

«Case-study – муаллимнинг замонавий фаолият қуроли»

Мақсад:

Кейс усулини қўллаш орқали муаллимнинг компетентлик даражасини касбий такомиллаштириш лозимлигини долзарб масала даражасигача олиб чиқиш шароитини яратиш.

Вазифалар:

Кейс-стади муаллимнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш интерфаол усули сифатида муҳимлигини аниқлаш.
Касбий таълим жараённанда кўриб чиқилаётган услугуб ва унинг амалга оширилишини ташкил этиш шартларининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш.
Кейс-стади усулини педагогик фаолиятга тадбик этиш жараёнини моделлаштириш.

Таълим берши самарадорлиги:

Иширокчилар ўзларининг фаолиятини такомиллаштириш учун кейс усули тўғрисида етарли маълумотга эга;
Кузатиш, тажриба, фикр юритиш натижасида олинган маълумотга баҳо бериш, уни тахлил ва синтез қилишга танқидий ёндошадилар.

Муваффақият мезонлари:

Педагогик маҳоратни янада такомиллаштириш лозимлиги тўғрисида тушунча мавжудлиги;
Бошқариш стратегиясини ислоҳ қилиш зарурлигига ишончни шакллантириш;
Касбий ўсиш доирасида кейс усули тўғрисида маълумотга эга бўлиб келиш;
Таълим жараёнини бошқариш амалиётида мазкур интерфаол таълим усулини қўллаш муҳимлигини кўрсатиб бера олиш;
Кейс-стади усулиниң замонавий воситаларини қўллаш орқали ўқув-услубий фаолиятни режалаштириш қобилияти.

Таянч гоя:

Case-study интерфаол усулиниң мазмуни ва моҳияти. Муаллимнинг касбий тараққиёти таълим жараённанда услугуб ўзаро ҳамкорликнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Ресурслар, материаллар ва асбоб-ускуналар:

Флипчарт доскаси, маркерлар, стикерлар, проектор ва электрон тақдимот материаллари.

Кейсни тахлил қилиши босқичлари:

1-босқич. Муаммонинг ичига “шўнғиши”:

- Визуализация.
- Муаммонинг долзарблигини аниқлаш.
- Мухокама учун масалалар доирасини белгилаш.
- Дастребки хulosалар чиқариш.



2-босқич. Мантиқий изланиш:

- Янги маълумотни тақдимот қилиш.

3-босқич. Кейс устида ишлаш:

- Оралиқ маълумотни тақдимот қилиш.
- Оралиқ хulosалар чиқариш.
- Якуний маълумотни тақдимот қилиш ва хulosаларни чиқариш.

АССЕССМЕНТ методи.

Ассесмент – «компетенция» тушунчаси остида бирлашган ишбилармон сифатлар, билимлар ва амалий кўникмаларни баҳолаш жараёни. Ассесмент таркибига турли баҳолаш усулларини (ишбилармон ўйинлар, тестлар, интервьюлар, саволномалар) мужассамлаган бўлиб, маълум масалаларда компетентлик даражасини аниқлаб бериш имконини беради.



Ишбилармон ўйин (business game) – одатда ягона сюжет билан бирлашган ишчи вазиятларни моделлаштирувчи барча топшириқларнинг йифиндиси. Ишбилармон ўйинлар бир нечта асосий форматларда олиб борилиши мумкин:

- Гурух ичида муҳокама (иштирокчиларга ролларни тақсимлаб ёки ролларни тақсимламай туриб);
- Жуфтликларда ролли ўйинлар (сұхбатлар, музоқаралар ва х.к.);
- Шахсий ёндашиш орқали қилинган тахлилий тақдимотлар;
- Инбаскет (in-basket – ресурслар ва вақтни режалаштириш, хужжатларни тахлил қилиш).

Интервью (interview) – эксперт билан иштирокчи ўртасида унинг иши ва меҳнат фаолияти түғрисида сұхбат.

Баҳолаши мезонларини келишиши (assess agreement) – компетенцияларга қўра иштирокчига интеграл баҳо қўйиш жараёни бўлиб, унда эксперталар иштирокчининг ўрни ва ишбилармон ўйин ва интервью натижасида қўйилган баҳони талқин этишади ва умумий хулосага келишади.

Қайтарма алоқа (feedback) – иштирокчи ва унинг раҳбариятининг эътиборига оғзаки ва ёзма шаклда ассесмент натижаларини етказиш, унда иштирокчининг кучли ва ожиз томонлари кўрсатилиб, кейинги ривожланиш босқичи бўйича тавсиялар бериш.

Ассесмент ўтказиш давомида асосий гурух ва шахсий компетенциялар (ёки кўнималар) баҳоланади:

- Стратегияни тушуниш;
- Истиқболни аниқлаш;
- Ҳамкарабага йўналиш;
- Тахлилий ва тизимли фикрлаш ва қарор қабул қилиш;
- Натижага йўналиш (мақсадлар қўйиш, ташаббускорлик, стрессга чидамлилик);
- Янгиликларни қабул қилишга очиқлик (эркин фикрлаш, вазиятларга мослашиш қобилияти, шахсий тараққиётга интилиш, ижодий фикр юритиши);
- Режалаштириш (вақтни бошқариш, фаолиятни режалаштириш, ресурсларни бошқариш, лойихани бошқариш);
- Ижро этишни бошқариш (мақсадлар қўйиш, ваколатни ўзганинг зиммасига юклаш, ижро этишни назорат қилиш);
- Жамоада етакчилик (вазиатли, эмоционал);

- Таъсир ўтказиш (ишонтириш ва музоқара ўтказиш қўникмалари);
- Коммуникатив компетентлик;
- Устозлик;
- Жамоада ишлаш (бирлашиб ишлаш қобилияти, жамоани шакллантириш, жамоада ҳамкорликда фаолият юрғизиш).

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Адаптация таълимотининг тиббий-биологик асослари.

Режа:


1.1. Ҳозирги замон адаптация назариясининг ҳолати.

1.2. Адаптация фазалари (ҳаяжонланиш, қаршилик кўрсатиш, ҳолдан кетиши) ва уларнинг морфологик таърифи.

Таянч иборалар: адаптация, жисмоний юклама, адаптацион реакция меъёрлари, адаптация фазалари, ҳаяжонланиши, қаршилик кўрсатииши, ҳолдан кетиши, морбофункционал ўзгаришилар, патоморфологик ўзгаришилар, статик ва динамик типдаги жисмоний иши.

1.1. Ҳозирги замон адаптация назариясининг ҳолати

Одам танасининг 1,5-1,7 қисми суюклардан иборат бўлиб, суюклар йифиндисига скелет дейилади. Скелет деган сўзи грекча “скелетон” сўзидан келиб чикиб, “куритилган” деган маънони англатади. Бундай маънони киритилишига сабаб, қадимги даврда скелет офтоб таъсирида ёки қумнинг қизигидан фойдаланиб тайёрланган.



1 расм. Одам скелети.

1- калла скелети, 2- умуртқа поғонаси, 3- умров суюги, 4- қобирға, 5- тўш суюги, 6- елка суюги, 7- билак суюги, 8- тирсак суюги, 9- кафт олди суюклари, 10- кафт суюклари, 11- бармоқ фаланглари, 12- енбош суюги, 13- думғаза, 14- қов суюги, 15- қуймич суюги, 16- сон суюги, 17- тизза қопқоғи, 18- катта болдир суюги, 19- кичик болдир суюги, 20- оёқ панжасининг кафт олди суюклари, 21- оёқ панжасининг кафт суюклари, 22- бармоқ фаланглари.

Скелет таркибига 200 дан ортиқ суюклар кириб, улардан 33-34 таси тоқ сонда бўлади. Шартли равишда скелет 2 қисмга - ўқ скелети ва қўшимча скелетга ажратилади. Ўқ скелетига

калла скелети (29 сүяклар), кўқрак қафаси (25 сүяклар), умуртқа поғонаси (26 сүяклар) киради. Қўшимча скелет таркибига қўл скелети (64), оёқ скелети (62) киради.

Скелет сүяклари организмда бир қанча функцияларни бажаради:

1. Ҳимоя вазифаси

- сүяклар йиғиндиси одамларда, ҳамма умуртқали хайвонларда организмни сиртидан жойлашиб, ташқи скелетни ҳосил қиласди ва атрофдаги мухитда бўладиган турли-туман таъсиротлардан саклайди. Айрим сүяклар организмда турли бўшлиқлар ҳосил қилиб, бу бўшлиқлар ичидаги жойлашган аъзолар ташқи мухитдан пишиқ ҳимояланган бўлади. Масалан, умуртқа каналида орқа мия жойлашган, калла скелети ичидаги – бош мия, кўқрак қафасида юрак, ўпкалар, қизилунгач ва йирик қон томирлари жойлашган.

2. Таянч вазифаси

- юмшоқ тўқима ва аъзолар скелетининг ташкил этувчи айрим қисмларига бирикб туриши натижасида, аъзоларни организмда муайян жойда ўрнашиб туришини таъминлайди.

3. Ҳаракат вазифаси

- скелетни ташкил қилиб турган сүяклар бир - бири билан бўғимлар орқали бирлашиб, хар хил дастаклар (рычаглар) ҳосил қиласдилар. Сүякларга пайлар ва боғламлар ёрдамида мушаклар бирикб, нерв тизимси томонидан келадиган импульслар ёрдамида мушаклар қисқаришини юзага келтиради. Суяк ва мушак тизимларидан таянч-харакат аппарати ҳосил бўлади ва танани фазода турли ҳолатларда саклашда, турли ҳаракатларни бажаришда иштирок этади.


4. Қон яратилиши еки гемопоэз функцияси

– маълумки, найчали сүякларининг бўшлиғида суяк илиги ёки кўмиги жойлашган. Суяк кумиги эмрионал ҳаётнинг учинчи ойи охирида пайдо бўлади. Эритроцитлар ва донадор лейкоцитлар суяк кумигида такомил топади. Демак, сүяклар қон яратувчи асосий манба ҳисобланади. Сүякларнинг минерал модда алмашиниш функциясида иштирок этиши – сүяклар турли тузларни тўпланиш депоси ҳисобланади.

Суяк – аъзо сифатида нафақат суяк тўқимасидан, балки уни таркибиға бириклирувчи тўқима, қон томирлари ва нервлар киради. Ташқаридан суяк усти пардаси ёки период билан қопланган. Суяк пардаси пишиқ бириклирувчи тўқимадан ташқил топиб, унинг таркибида қон томирлари, лимфатик томирлар ва нервлар ўтади. Суяк усти пардасининг ташқи қавати толали, ички қавати - суяк ҳосил қилувчи қатлам бўлиб, тўғридан-тўғри асосий суяк тўқимаси билан бирлашиб кетади. Суяк усти пардаси таркибидаги остеобластлар суякни ривожланишини, энига ўсишини ва турли жароҳатлардан сўнг тикланишини таъминлайди. Эндост юпқа, нозик парда бўлиб, суякни суяк қўмиги томондан қоплаб туради. Эндост таркибида остеобластлар ва коллаген толаланинг тутамлари учрайди.

Суяклар бир вақтда ҳам қаттиқ, ҳам эластик хусусиятга эга бўлиб, уларнинг таркибида 1/3 қисми органик моддалар (оссеин) бўлса, қолган 2/3 қисмини эса анорганик моддалар – кальций, фосфор ва магний тузлари ташқил этади. Суяклар эластиклигини оссеин ифодаласа, қаттиқлиги эса минерал тузлари туфайли ҳосил бўлади. Органик ва анорганик моддаларнинг нисбати суякларда ёшга қараб ўзгариб боради. Ёш организмнинг суяклари таркибида оссеин кўп бўлганлигидан улар эгилувчан ва маҳкам бўлади. Ёш улгайиб борган сайин суякларда минерал тузлар миқдори ошади. Шунинг учун кекса кишиларнинг суяклари ўзининг эластик хусусиятларини аста-сёкин йўқотиб бориб, мурт ва тез синадиган бўлиб қолади.

Суяклар таркибида органик ва анорганик моддалардан ташқари А, Д ва С витаминлари ҳам бўлади. Ёш болаларнинг суяклари таркибида кальций тузлари ва Д витамини етишмаса ракит касаллиги вужудга келади, суякларнинг пишиқлиги камаядии ва хар томонга қийшайиши мумкин.



2 расм. Найсимон сүякнинг тузилиши схемаси (В.Баргман бўйича)


1-сүяк усти пардаси, 2- сүякнинг зич моддаси, 3- ташқи сүяк пластинкалар катлами, 4- остеонлар, 5- сүяк зич моддасининг ички пластинкалар катлами, 6- илик канали, 7- ғовак моддасининг сүякли тўсиқлари.

Сүякларни бўғим ҳосил қиласидиган сатхлари бўғим тоғайлари билан қопланган. Сүяк каваклари сүяк илиги билан тўла бўлади. Сүяк илиги, организмга қон элементлари ишлаб беради ва муҳим биологик вазифани бажаради. Илик сариқ ва қизил бўлади. Сариқ илик асосан ёғ хужайраларидан иборат бўлса, қизил илик ретикуляр тўқимасидан иборат нозик қизил масса бўлиб, қон шаклий элементларни ишлаб чиқариш манбаси ҳисобланади.

Сүяклар тузилиши жиҳатидан бир-бираидан фарқланади. Сүякларнинг шакли бажарадиган иши билан боғлиқ. Сүяклар ривожланиши, тузилиши ва бажарадиган функциясига кўра куйдаги турларга бўлинади:

1. Найсимон сүяклар узун ва калта бўлиши мумкин. Найсимон сүякларда иккита кенгайган учлари – эпифизлар, ва ўртасида жойлашган найсимон шаклидаги танаси еки диафизи бўлади. Танага нисбатан яқин жойлашган сүякнинг учи проксимал эпифиз, танадан узоқроқ жойлашган кенгайган учи – дистал эпифиз деилади. Эпифиз билан диафиз орасида жойлашган сүякнинг қисмига метафиз дейилади. Узун сүякларга панжаларининг кафт сүяклари, бармоқлар фаланглари киради. Найсимон сүякларнинг узун сүякларига елка, сон, елка олди ва болдир сүяклари киради. Калта найсимон сүяклардан эса қўл - оёқнинг кафт сүяклари, бармоқлар фаланглари ташкил топган. Сүякларнинг диафиз қисмлари зич сүяқдан, эпифизлари эса ғовак сүяқдан ва уни устини юпқа қатлам холида зич модда коплайди.

2. Ғовак сүяклар устидан зич модда билан қопланган, ичидан эса ғовак модда жойлашган. Ғовак моддани сүяк тизимчалари тартибсиз жойлашмасдан, маълум бир йуналишда, ёйлар шаклида ўрнашган, босим кучларига қаршилик кўрсата олиш ва катта нагруззкаларни (юкни) кўтариш кобилиятига эга. Қўл ва оёқнинг кафт олди сүяклари, умуртқа таналари, сесамсимон сүяклар ғовак сүякларга киради. Сесамсимон сүяклар бўғимлар ёнида учраб, мушакларнинг пайлари ичидан жойлашиши мумкин. Энг катта сесамсимон сүякга тизза қопқоғи киради.



З расм. Суякларнинг классификацияси

1- найсимон суяк, 2- ясси суяк, 3- ғовак суяк, 4- аралаш суяклар

4. Галвирсимон суяклар таналарида ҳаво билан тўлган бўшлиқлар бўлиб, бўшлиқларнинг юзаси шиллик парда билан қопланган. Суякнинг бундай тузилиши суякни мустаҳкамлигини бузмасдан, унинг массасини анча енгиллаштиради. Калла скелетининг галвирсимон суяги, юқори жағ, пешона суяги, понасимон суяги галвирсимон суяклар турига киради.

5. Аралаш типдаги суяклар мураккаб шаклга эга бўлиб, бир нечта қисмлардан иборат. Суякни ташкил этувчи қисмлар келиб чиқиши, тузилиши ва шакли жихатидан бир-биридан фарқланади. Бу груп суякларга тос суяги, умуртқалар, юқориги жағ, чакка суяги ва бошқалар киради. Масалан, умуртқаларнинг таналари ғовак суякларга, ўсимталари ва ёйлари эса ясси суяк турларига киради.

Табиий танлаш ва узоқ эволюция жараени натижасида одамда ва барча умуртқалар вакилларида муайян тузилишга эга бўлган скелет шаклланган.

Скелет тузилишини шу тур вакилларининг хает кечиришига ва организмга таъсир этувчи мухит шароитларига мувофиқлиги палеонтолог олимлари томонидан исботланган. Куюе ҳайвоннинг фақат битта суюгидан, унинг ташки киефасини ва яшаш шароитларини тиклашга ундалган.

XIX асрнинг ўрталарида скелет механик қонуниятларига биноан қурилган деган фикрлар юритилиб, тирик тизимга нисбатан механик қонуниятларни қўллашга ҳаракат қилинган, тирик тизимни мураккаблигини ва турли хил вазифаларни бажариш қобилияtlари назарда тутилмаган. Шу давр мобайнида куплаб анатомик даллилар тупланиб, суюклар тузилиши уларнинг бажарадиган функцияси билан боғлиқлиги кузатилган, мазмуни жиҳатидан ўзаро боғлиқлиги аниқланмаган далиллар П.Ф.Лесгафт томонидан тахлил қилиниб, «Назарий анатомия асослари» асарида суюклар тузилишининг уларнинг вазифаси билан боғлиқлиги маълум қонуниятларга асосланлиги баён этилган.

XX аср морфология фаннини янги далиллар билан бойитди. Космосда ўтказилган илмий текширишлар, ортопедия, травматология, биомеханика ва спорт морфология фанларининг талаблари суюкларнинг морфологик тузилишини чуқирроқ ўрганишга туртки бўлади. Функционал нуқтаи назардан суюкларнинг тузилиши бир нечта тамойиллар асосида ифодаланган¹:

1 тамойил:

Суюк тузилишида компакт моддасининг кичик ҳажми механик пишиқлик билан, ғовак моддани ҳажми эса суюкнинг чегараланмаган ҳажми билан мужассамлашади. Найсимон суюкларнинг диафизлари ингичка, найсимон бўлиб, юзалари мушаклар учун бирикиш сатхи бўлиб хизмат қиласи. Суюкларнинг эпифизлари ғовак моддадан тузилган бўлиб, ҳажмларининг катталиги бўғим юзаларининг сатхларига ва шу бўғим атрофида бажарадиган ҳаракатлар микдорига боғлиқ.

2 тамойил:

Энг тежамли ва механик пишиқликга эга бўлган суюк структураларга ичи буш, цилиндрисон тузилмалар киради. Найсимон суюкларнинг диафизлари, компакт модданинг остеонлари ана шундай тузилишга эга. Суюк диафизларининг бўшлиғи ичida суюк илиги жойлашган, остеоларнинг марказларидан эса Гаверс канали ўтади. Найсимон суюк бўшлигининг диаметри диафизнинг диаметрига

нисбатан 65:100 teng бўлса, суяк моддаси ўзининг пишиқлигини саклаб, атиги 8% суяк моддасини йўқотади.

3 тамойил:

Цилиндрический сухожильный тазики диаметри ошиши билан турли таъсиротларга масалан, букиш, кисишига нисбатан механик пишиқлиги ортади.

Жисмларни каршилик назариясига биноан диаметри кенг, лекин юпқа деворли найнинг пишиқлик даражаси, кичик диаметрли, девори қалин бўлган найчага нисбатан анча юқори бўлади. П.Ф.Лесгафт қўйидаги хисобларни келтиради: масалан учта суяклар деворларининг қалинлиги бир хил, лекин диаметрларининг ўлчов нисбатлари ҳар хил бўлганда, хусусан, диаметр кўрсаткичлари 100:125:250 teng бўлса, унда букишга нисбатан ¹ қаршилиги 100:170:307, суякнинг узун ўқига нисбатан қисишиш таъсирига нисбатан 100:213:604 teng бўлади.

4 тамойил:

Фовак модданинг суякли пластинкалари уч ўлчовли йуналишига эга бўлиб, турли жисмоний юкламаларга бардош бера оладиган механик пишиқликлиги билан таърифланади. Суякли пластинкалар кўпроқ механик таъсиротни ўтказиб бериш эмас, айнан шу жойни ўзида уни бартараф қилишга мосланган. Шу сабабли, фовак модда универсал характерга эга. Лекин тасмаларининг жойлашуви кўпроқ ёйсимон тузилишга эга. Фовак модданинг тузилиши нафақат унга таъсир этувчи механик таъсиротларга боғлиқ, балки ирсий ифодаланган суяк шаклларига ҳам мосланган бўлади.

5 тамойил:

Суякли бирикишларининг шакллари ва тузилиши намоён этилган механик шартшароитлари билан боғлиқ. Бирикишлар ёрдамида турли харакатларни бажарилиши таъминланади.

Бунда суяклар бир бирига нисбатан турли диапозонда силжиши мумкин. Узлуксиз (харакатсиз) бирикишлар (фирозли, тоғайли ва суякли) кам ҳаракатчанлик ёки тўлиқ ҳаракатсизликни таъминлайди. Бу бирикишларни суякларнинг ўсиши ва ривожланишида иштироки исботланган, чунки улар юзаларида кўпайиш нуқталари жойлашган бўлади. Суякларнинг харакатсиз бирикиш турлари ёрдамида турткилар ва урилишлар кучини бартараф қилиш ҳам таъминланади.

¹ M.Dunford, Y A Doyle. Nutrition for sport and exercise. / USA. – 2013.

Узлукли ёки ҳаракатчанг бирикишлар (бўғимлар) асосан сужклар омонидан актив ҳаракатларни бажарилишини таъминлайди, ўсиш ва ривожланиш жараёнларида уларнинг иштироки иккиласми даражалидир.

6 тамойил:

Сужкларни бир тёқисда ривожланиши уларнинг атрофида жойлашган мушаклар фаолиятига боғлиқ. Мушакларда кам ҳаракатчанлик сужкларнинг заиф ривожланишига асосий сабабчи бўлади. Юқорида кўрсатилган асосий тамойиллар П.Ф.Лесгафт томонидан функционал анатомия муаммолари бўйича баён этилган карашларга мувофиқдир ва бу олимнинг илгор фикрлари ўз давридан шу кунгача ўз аҳамиятини йўқотмади ва янги далиллар билан фақат исботланиб келаяпти.

1.2. Адаптация фазалари (хаяжонланиш, қаршилик кўрсатиш, холдан кетиш) ва уларнинг морфологик таърифи.

Экзоген ва эндоген факторлар таъсирида одам организмининг ҳамма морфофункционал тизимиларида жавоб реакциялари ривожланади. Организмда юзага келадиган физиологик функцияларни ўзгариши турли морфо-функционал тизимларда морфологик ўзгаришларга олиб келади. Бунда таянч - ҳаракат аппаратидаги ўзгаришлар алоҳида аҳамиятга эга.

Бундан 100 йил аввал экспериментал рентгенодиагностика ва спорт морфологиясини асосчиси бўлган П.Ф. Лесгафт, сужкларни ўсиши, ҳажмларни катталashiши, уни ўраб турган мушаклар фаолиятига боғлиқ деган қоидаларни таърифлаган. Ҳозирги замон экспериментал кузатишларни ва спорт морфология фани тўплаган далиллари асосида сужкларни функционал ўсиш қоидалари кўйидаги холатларда ифодалангандан:

А) сужк ўсишини тезлаштирувчи механик факторларнинг таъсири ритмик равишда такрорланиши керак.

Б) сужк ўсишини активлаштирувчи жисмоний машғулотлар ҳажми оптимал даражада бўлиши керак. Етарли бўлмаган ёки хаддан зиёд машқлар сужк ўсишини тўхтатиши мумкин.

В) ўсаётган сужкларнинг механик юкламаларга нисбатан жавоби, шу организмнинг индивидуал реакция меъерига (нормасига) боғлиқ.

Г) Сужкни узунасига ва кенлигига ўсиш механизми ҳар хил. Сужк моддасини ҳосил қилувчи остеобластлар иккита муҳит чегарасида жойлашган: сужк ва тогай орасидаги жойлашган остеобластлар сужкни узунасига ўсишини, сужк ва бириктирувчи тўқима орасидагилар эса кенглигига ўсишини таъминлайди. Икки муҳитни бир-бирига нисбатан силжиши сужк моддасини

ҳосил бўлишига қўзғалувчи импульс бўлиб ҳисобланади. Мушакларни қискариши уларнинг суякга ўсиб кирган пайли учларини суяк усти пардасини ўз жойдан тортилиб туришига олиб келади. Механик юкламалар таъсирида суякда зуриқиш ҳолати ривожланади. Натижада, контактда бўлган иккита чегара мухитларни бир-бирига нисбатан силжиши, перихондрал (тогай ҳисобига) ва периостал (суяк усти пардаси ҳисобига) суякланиш жараёнини фаоллигини таъминлайди.

Д) Механик юкламалар суякларни узунасига ва кенглиги буйлаб ўсишини ҳар хил меъёрда ўзгартиради. Суякларни узунасига ўсишида ирсиятнинг роли ҳал қилувчи бўлади. Суякни кенглигига ва энига ўсиш белгиси эса асосан мухит омиллари таъсирида ривожланади.

Суякларда жисмоний юкламалар таъсирида қўйидаги ўзгаришлар юзага келади:

- *Суякларнинг шакли ўзгариши*
- *Суякларнинг кимёвий таркибини ўзгариши*
- *Суякларнинг ички тузилишидаги ўзгаришлар*
- *Суякларнинг ўсиши ва суякланиши муддатларни ўзгариши.*

А). Суякларнинг шакли ўзгариши - Жисмоний юкламалар таъсирида суяклардаги ўзгаришлар скелетни пишиқ механик конструкцияси сифатида шакллантиради. Механика қонуниятлардан маълумки, катта диаметрга эга бўлган найлар, диаметри кичик ёки умуман бўшлиқсиз бўлган найларга нисбатан катта юқ кутариш қобилиятга эга. Шу сабабли энг тежамли суяк структура найсимон ёки цилиндросимон тузилишга эга.

Масалан кичик хажм ва юқори механик пишиқликни талаб қиласидиган жойларда зич суяк моддаси учрайди. Шунинг учун найсимон суякларни диафизлари ингичка, мушакларни бирикиши учун соф сатхни най атрофида ҳосил бўлиши, девори эса зич моддадан тузилганлиги хос. Эпифизларни хажмлари чегераланган бўлиб, ғовак моддадан тузилган. Ғовак модда уч ўлчовли тамойил асосида тузилган бўлиб, турли йуналишдаги юкламаларга бардош бера олади. Механик юкламалар таъсирида суякларни хажми ва юзаси ўзгариади.

Катта юкламалар таъсирида суякларни массаси ортади. Суяк юзаларида турли чуқурчалар, буртиқлар, ғадир-будирликлар, ўсиқлар, қирралар шаклланади. Бўғимларда бўғим юзаларини ва бўғим шакларини ўзгариши

адаптацион ўзгаришларга мисол бўла олади. Ёш болаларда ва ўспиринларда мақсадга мувофиқ ва меъёри жисмоний машғулотлар таъсирида бўғим юзлари керакли йуналишда шаклланади, бўғим атрофдаги юмшоқ тўқималарда эластиклик ва пишиқлик хусусиятлари ривожланади.

Узлуксиз бирикишлар – синдесмозлар, синхондрозлар ва синостозлар ёнма-ён жойлашган сужкларни кам харакатчанлигини ёки тўлиқ харакатсизлигини таъминлаб, уларнинг асосий ўсиш зоналари бўлиб хизмат қилади. Узлукли бирикишлар – бўғимлар сужкларнинг турли ҳаракатларни бажарилишини таъминлаб, итарилиш ва туртқиларни юмшатиш учун амортизациясини таъминлайди.

Б). Сужкларнинг кимиевий таркибини ўзгариши - Жисмоний машғулотлар таъсирида спортчиларнинг сужк таркибида анорганик моддаларнинг микдори кўпаяди (кальций, фосфор). Минерал моддаларнинг микдорини ортиши сужк тўқимасининг зичлигини оширади.

В). Сужкларнинг ички тузилишидаги ўзгаришлар - Механик юкламаларга мосланишида сужкнинг ички тузилишида қуидаги ўзгаришларни кузатиш мумкин: сужк усти пардасини қалинлашиши, ғовак ва зич моддаларни нисбатларини ва структурасини ўзгариши, диафиз бўшлигининг диаметрини ўзгариши.

Механик юкламалар таъсирида сужкнинг устки пардасида остеобластларни зўр бериб кўпайиши ҳисобига камбиял қаватининг қалинлиги ниҳоятда қалинлашади. Ёш спортчиларда одатда рентгенограммада кўринмайдиган сужкнинг устки қавати маълум вақтдан кейин кўринадиган бўлиб қолиши мумкин. Қатор-қатор бўлиб жойлашган остеобластлар, сужкнинг асосий моддасини ҳосил қилади ва остеоцитларга айланади. Кейинчалик сужклашиб кетган юқориги қават, сужкнинг диафизи таркибидаги зич моддаси билан бирлашиб кетиб, уни қалинлашувига олиб келади.

Спорт билан шуғулланмайдиган шахсларда, сужк эпифизининг ғовак модда таркибини переферик қисмида майда каттакчалар, марказий қисмида эса йирик каттакчалар жойлашган. Юқори ҳажмдаги спорт машғулотлари одатда, ғовак моддани ташқил этувчи катакчаларини катталашиб кетишига олиб келади. Найсимон сужкларнинг эпифизлари деярли бир хил йирикликтаги катакчалардан ташқил топиб, натижада ғовак моддада марказий ва переферик қисмлари бир-биридан фарқланмайди.

Диафизнинг мустахкамланиши икки хил йўл орқали етилади. Унинг деворини қалинланиши ички ва ташқи томондан кетади. Диафиз деворини ички томондан қалинлашиши зич моддани илик бўшлиғи томонидаги сужк юзасида руй беради. Ташқи томондан эса сужк усти пардаси ҳисобига зич моддани

ҳосил бўлиши аниқланган. Биомеханик нуқтаи назардан, иккинчи усул тежамли ҳисобланади, чунки бу ҳолатда диафиз диаметри ошиши, зич моддани қалинлашиши, сужак бўшлигини диаметри ўзгармаслиги, найсимон сужакни пишиқлигини оширишга олиб келади. Ғовак моддани пишиқ бўлиши - уни таркибидаги трабекулалар ёки тўсиқларни қалинлашиши, майда ва ўрта ҳажмли катақчаларни йирик ҳажмли катақчаларга айланиши орқали юзага келади.

Маълумки, пластинкасимон сужак тўқимасининг морфологик ва функционал бирлиги – остеондир. Механик юкламаларни ҳажмига қараб, сужак қайта курилади. Бунда остеонлар ўз жойлашувини, йуналишини ўзгартиради. Оптималь юкламалар таъсирида янги остеонлар ривожланади¹.

Г). Суякларни ўсиши ва суякланиши муддатларини ўзгариши - Суякларнинг ўсиши суякланиши жараени билан боғлиқ. Суякни ўсиши эпифизар тогайларда тўлиқ суякланиши жараени руй берииши – синостозга айланниши билан тугалланади. Б.И.Коган, Б.А.Никитюк томонидан ўтказилган илмий тадқиқотларда механик факторларни эпифизар тогайнинг турли зоналарига таъсири, статик ва динамик юкламаларни сужакни ўсишига ва суякланишига таъсири ўрганилган. Икки хил юкламаларни сужакга таъсири баҳолангандан орасидаги фарқли белгилар аниқланган.

Динамик юкламаларда берилаетган нагрузка харакат орқали келтирилади, мушаклар изотоник шароитда ишлаб, қисқаришлари кетма-кет равишда такрорланади. Динамик юкламаларни третбанда чопиши ёки бассейнда сузиш ҳолида берилади. Статик юкламалар бир жойда ўтиб, берилаётган таъсирот ўзгармас ҳолда сақланиб туриши, мушаклар узоқ муддат давомида изометрик хилда қисқариши билан таърифланади.

Статик юкламаларни классик модели – бу тажриба ўтказиладиган сичқонни сув устида маҳсус таёқда осилиб туриши. Ортопедия ва травматологияда ўзига хос статик юкламаларни бериш модели яратилган.

Одам скелетининг жароҳатланган қисмини маҳсус аппаратлар ёрдамида чузилтирилади ёки бир-бирига яқинлаштирилади. Одатда, статик юкламалар таъсирида сужаклар узунлиги бир оз калталашади, аммо бунинг сабаби узунлика ўсиш тезлиги ҳисобига эмас, балки уларни суякланишини кечикиши ҳисобига бўлади. Суякларнинг ўсиш зonasи статик юкламаларни ҳажмини қўпайиши ёки озайишига ҳам таъсирчан эмас, аммо маълум ҳажмда берилган динамик юкламалар қўл-оёқ сегменларининг катталигини ва узунлигини оширади.

Морфологик ўзаришлар кўпроқ диафизларда кузатилади. Найсимон сужакларнинг метафизи болалик ва ўсмирлик даврида метаэпифиз тогайдан тузилган бўлиб, сужакнинг бўйига қараб ўсишига имкон яратади. Метаэпифиз

тоғайнинг суякланиши найсимон суякларнинг эпифизи билан диафизини суякланиб (синостоз) кушилишини таъминлайди.

Ўрта меъёрдаги жисмоний юкламалар таъсирида ёш ва ўспирин болаларда синостозланиш жараенини сёкинлашади, натижада, суякларни ўсиш муддатлари ҳам чузилади. Эпифизларни баландалиги камайиб, уларнинг майдон сатхи ортади.

Етарли ҳажмда ҳаракат қиласлик ёки кам ҳаракатлик гипокинезия организмни нафақат функционал ҳолатига, балки унинг морфологиясига таъсири қилиши мумкин. Гипокинезия натижасида тананинг ташкил этувчи таркибий қисмларида – суяклар, мушаклар ва еғ компонентларида деструктив салбий ўзгаришлар пайдо бўлади. Аксинча, гиперкинезия – кўп ҳаракатлилик ҳолатида, юкламалар катта ҳажмда берилиши, узоқ давом этадиган интенсив жисмоний машқлар таъсирида таянч-ҳаракат аппаратида, переферик нерв толаларида, қон-томирлар тизимида чукур морфологик ўзгаришлар келиб чикади.

Бу икки ўзаро қарама – қарши бўлган табиий факторларни организмга таъсири таҳлил қилинса, иккала ҳолатда турли тўқималарида деструктив ўзгаришларни юзага келиши кузатилган. Лёкин гиперкинезияда патоморфологик ўзгаришларни ривожланиш муддати тезрок ўтиши аниқланган.

Турли ҳажмли жисмоний юкламаларни спортчилар сүяк тизимида ижобий ва салбий таъсири ҳақида қарама-қарши далиллар тўпланган. Спорт нагрузкаларнинг ҳажми ва интенсивлигига қараб, суякнинг ўсиши тезлашиши ёки сусайиши мумкин. Спортчиларнинг скелетлари уларнинг мутахассислига боғлиқ бўлган жисмоний машқлари туфайли юзага келган хусусий мосланишларни ўзида саклайди. Механик нагрузкаларни қайси суякларга кўпроқ тушишига қараб, морфологик ўзгаришларни ривожланиши узига хос хусусиятларга эга. Турли мутахасисли спортчиларда таянч-ҳаракат аппаратида вужудга келган адаптацион ўзгаришларни кўриб чиқамиз.

Қўл суяклари боксёрларда, фехтовалщикларда, баскетболчиларда ва волейболчиларда ҳаракатчанлиги юқори даражада ривожланган бўлади. Боксёрларда кафт - бармоқ бўғимлари шиддатли юкламалар таъсирида гипертрофияга учрайди

Жисмоний иш ва спорт фаолияти таъсирида оек скелетида мослашув ўзгаришлар руй беради. Турли мутахасисли спортчиларда оек скелетида ҳосил бўлган ўзгаришлар бераладиган жисмоний иш ҳажмига ва муддатига боғлиқ.

Суякларда фақат морфологик ўзгаришлар вужудга келмай, балки уларни бир-бири билан бирикишларида, бир-бирига нисбатан жойлашувида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлади. Футболчиларда ва штангачиларда сон суягининг кундаланг катталиклари, айникса дистал эпифиздаги латерал ва медиал бўғим

усти дунглар орасидаги катталиклар анча ошади. Велосипедчиларда сон ва болдири суяклари айниқса яхши ривожланади ва катта ўлчовларга эга. Биринчи панжа суягини компакт катлами қалинлашади. Спортчиларда муайян ўзгаришлар товоң олди суякларда, айниқса, товоң суягига вужудга келади.

Эрта ёшлик даврида бўғимлар фаол ривожланади ва бўғим таркиби га кирувчи асосий ва ердамчи компонентларини шаклланиши 13-16 гача тугалланади. Ёш болаларда, ўсмирларда ва аёлларда эркакларга нисбатан бўғимларнинг ҳаракатчанлиги ва эгилувчанлиги анча устун бўлади. Одамларнинг ёши катталashiши билан бўғимлардаги ҳаракатчанлик камаяди.

Асосий сабаблардан деб фиброз мембраналарни ва бойламларни склерозлашиши, мушак активлигини сусайишини курсатиш лозим. Ёшга қараб ўзгаришларни олдини олиш мақсадида ва бўғимларда юқори даражада ҳаракатчанлик хусусиятини саклаб колиш мақсадида доим жисмоний машқлар билан шуғулланиш лозим.

Мушаклар организм ҳаётида муҳим роль тўтади. Катта одамларда мушаклар бутун танаси оғирлигининг 30 – 35% ги якинини ташқил килса, чақалоқларда – 20 – 22%, ёши катта ва қари одамларда 25 – 25% ни ташқил этади. Жисмоний машғулот билан мунтазам шуғулланиб турувчи спортчиларда скелет мушакларининг оғирлиги гавда оғирлигининг кариб яримини 45 – 50% ташқил қилиши мумкин. Скелет мушакатураси кундаланг-таргил мушак тўқимасидан тузилган.

Мушакларнинг асосий вазифаси - механик иш бажаришdir. Марказий нерв тизимси юборадиган таъсиrotлар таъсирида гавдадаги мушаклар қисқаради, бунинг натижасида скелет ҳаракатга келади. Онгли равишида қисқарадиган мушакларни сони 400дан ортиқ. Гавда мушаклари ички аъзоларни, уларни таркиби га кирувчи қон томирлар ва нервларни ташқи мухит таъсиrotларидан ҳимоялайди. Мушакларни қисқариши натижасида иссиқлик энергия ажralади, демак мушаклар тана хароратини идора этишда иштирок этади. Мимик мушакларининг қисқариши орқали одамнинг ички дунёси, кайфияти, эмоциялари акс эттирилади².

² Mark D. Mamrak. Exercise sport pharmacology. / USA. – 2015.

I жадвал

| Белги | Янги тугилган чақалоқлар | Катта одам | |
|---------------------------------------|--------------------------|------------|--------|
| | | Эркаклар | Аёллар |
| Тана вазнига нисбатдан мушаклар вазни | 23 | 42 | 36 |
| Умумий мушаклар вазнига нисбатдан: | | | |
| А) калла мушаклари | 4,6 | 1,4 | 1,4 |
| Б) гавда ва бўйин мушаклари | 30,3 | 15,9 | 18,4 |
| В) қўллар мушаклари | 27,1 | 28,4 | 25,4 |
| Г) оёклар мушаклари | 38,0 | 54,3 | 54,8 |

Мушаклар томонидан бажарадиган ишининг негизида қисқариш хусусияти етади. Мушак қисқарганда унинг бир учига иккинчи учи якинлашади. Турли ҳаракатлар бажариш жараёнида мушакнинг ҳаракат қилувчи ва қимирамай турувчи учлари алмашиб туриши мумкин. Қисқариш натижасида мушаклар томонидан маълум тортишув кучлар пайдо бўлади ва турли жисмларни бир жойдан иккинчи жойга сурилиши натижасида механик иш бажарилади. Бу иш килограммометрлар билан улчаниб, мушак кучи билан жисмни сурилган масофа орасидаги кўпайтмасига teng. Демак, мушакларни қисқариши натижасида механик иш бажарилади.

Мушакнинг қисқариш жараёни бушашиш ва таранглашиш ҳолатларидан ташкил топган. Мушакнинг бушашиши мушакнинг чузилиши билан таърифланади. Масалан, пастга туширилган кулни мушаклари чузилган, лёкин таранглашмаган бўлади. Мушакнинг таранглашиш ҳолатида мушакнинг узунлиги икки хилда ўзгаради: баъзи вазиятда чўзилиши, бошка бир ҳолатларда калталashiши мумкин.

Масалан, гавда орқага ташланганда қорин мушаклари таранглашади ва чузилади. Кул панжасини қаттиқ кисиб, елка олди елка томон букилганда, икки бошли мушак таранглашади ва калталашади. Демак, қисқариш жараёнининг ҳолатларида мушакнинг узунлиги ўзгаради ва мушаклар ҳар хил тартибда ишлаши мумкин. Мушакларни иши 3 хил - изометрик, изотоник ва ауксотоник тартибларида ўтиши мумкин.

**1. Изометрик иш тартиби – мушакнинг тонуси ўзгариб,
узунлиги ўзгармайди.**

**2. Изотоник иш тартиби – мушакнинг узунлиги ўзгариб,
тонуси ўзгармайди.**

**3. Ауксотоник иш тартиби – мушакнинг узунлиги ўзгариши билан
тонуси хам ўзгаради.**

Амалиётда алохига холда бундай тартиблар учрамайди, кўрсатилган тартибларнинг бири устун туриши мумкин.

Мушаклар статик ва динамик ишни бажариши мумкин. Статик иш бжарилганда мушакларнинг иши туфайли тана харакатсиз бўлиб, маълум бир холатни саклади.

Статик иши бжарилганда қуидаги иш турлари бжарилади³:

- а) каршиликни ушлаб туриш – мушакнинг қисқариш кучи каршилик кучи билан тенглашади ва тананинг маълум вазияти сакланиб туради.
- б) мустахкамлаб берувчи иш - мушакнинг иши огирилик кучини енгишга йуналган.
- в) котириб турувчи ёки фиксацияловчи иш – мушакнинг кучи антогонист мушакларни кучини енгишга йуналтирилган.

Динамик иш бжарилганда мушаклар томонидан 3 хил иш бжарилади:

- а) каршиликни енгиш иши – мушакнинг иши тананинг муайян қисми огирилигини ёки маълум бир каршиликни енгади.
- б) каршилик кучига бардош бера олмаслик иши – мушакнинг таранглашган холдан карши кучлар таъсирида аста - сёкин бушашади ва каршилик кучларга бардош бера олмайди.
- в) баллистик иш – жуда қисқа вақт ичидаги мушаклар томонидан каршиликни енгиш ишини бажариш. Баллистик иш турида мушаклар қисқа муддат давомида катта кучни намоен этади ва бу иш $A = F \cdot t$ формуласи билан ифодаланади. (A - иш, F – куч, t – вақт).

³ Спортивная фармакология и диетология. / Под ред. С.А.Олейника, Л.М.Гуниной. – М.-С-Пб.-К.: Диалектика. – 2008 г.

Релаксация бу – мушак томонидан каршилик кучига бардош бера олмаслик иш тури бўлиб, мушак толалари бўшашибган ва чўзилган холда бўлади.

Ҳаракат жараени бажарилишида бир қанча алоҳида мушаклар ҳамкорлик билан иш бажаришда иштирок этади. Функционал жиҳатидан мушаклар антогонист ва синергистларга бўлинади. Синергист мушаклар дейилгандан турли гурухларга киравчи мушакларнинг ҳамкорликда бир хил ҳаракатни бажаришида иштирок этишига айтилади. Масалан, трапециясимон мушак билан олдинги тишсимон мушаки кўракни пастки бурчагини ташқарига томон айланишида иштирок этадилар.

Антогонист мушаклар алоҳида мушаклар ёки турли мушак гурухлари қарама – қарши ҳаракатда иштирок этишига айтилади. Масалан, тирсак бўғимида елка олдини букувчи мушаклардан елка мушаки мисол бўлса, унинг доимий антогонисти бўлган елкани орқа гурухида жойлашибган уч бошли мушак елка олдини езишда иштирок этади. Мушакларнинг қарама-қарши ва ҳамкор ишлаши турли куринишларда бўлиши мумкин. Бир ҳаракатда синергист бўлган мушаклар, иккинчи ҳаракатда бир-бирига нисбатан антогонист бўлади.

Масалан, панжани букишда тирсакни ва билакни букувчи мушаклар синергист холда ишлашса, панжани олиб кочиш ва олиб келиш ҳаракатларида хар бир мушак алоҳида функцияни бажаради. Панжани букувчи тирсак мушаки панжани олиб келишда, билак мушаки эса панжани олиб қочишида иштирок этади. Антогонист ва синергист мушакларини ҳамкор ва координацияли қисқаришларини бажарилиши нерв тизим томонидан идора этилади.

Мушакнинг кучи кузголиши натижасида мушакда максимал даражада таранглашиши ривожланиши билан ифодаланади. Мушак кучини намоён этилиши анатомик, физиологик ва механик шарт-шароитлари билан боғлиқ.

1. Анатомик факторлардан мушакнинг кучига унинг таркибига киравчи толаларнинг микдори, узунлиги, йуналиши, суюкга бирикиш сатхларнинг юзаси, ишни бажааетган мушакни анатомик ва физиологик кундаланг кесимини хисобга олиш лозим:

а) Мушак таркибида қанчалик толалар микдори куп бўлса, мушак шунчалик кучли бўлади. Бажарилган ишнинг кучи шу ишни бажааетган мушакнинг кундаланг кесими боғлиқ. Мушак кундаланг кесимининг ўлчови анатомик кундаланг кесими дейилади, бунда 1 см I сатхига мушак толалар микдори хисобланади.

Мушакнинг физиологик кундаланг кесими мушакнинг хажмини, толалар ўртача узунлигига булиш орқали аниқланади. Мушакларнинг анатомик кундаланг кесими см. билан, физиологик кундаланг кесими кг. билан ўлчанади.

Мушакнинг иш бажариш қувватини юк кутариш кучи дейилади.

Толалари параллел ҳолда жойлашган мушакларнинг анатомик ва физиологик кундаланг кесими бир хил бўлади. Куп патли мушакларнинг кундаланг кесимининг юзаси, узун мушакларнинг кундаланг юзасидан катта бўлганидан сабабли, уларнинг физиологик кундаланг кесимини курсаткичи юқори бўлади. Шу боисда, бу мушакнинг қисқариш кучи каттарок бўлади. 1 см.І кундаланг кесимига эга бўлган мушак урта хисобда 10 кг. юк кутара олиши аниқланган.

б) Мушакларнинг кучи уларнинг сүякка бирикиш сатхининг катталигига ҳам боғлиқ. Мушакнинг сүякка бирикиш сатхи қанчалик катта бўлса, мушак шунчалик кучли бўлади. Масалан, дельтасимон ва катта думба мушаклари тахлил килинса, дельтасимон мушакда мушак тутамлари учбурчак шаклда урнашган бир учбурчак ичидаги жойлашаги мушак толалари, иккинчисига нисбатдан карама-карши жойлашади - бир учбурчакнинг учи иккинчи учбурчакнинг асоси билан енма-ен жойлашади. Ҳамма учбурчакларнинг асослари улчаниб кушилгандан сунг, анатомик ва физиологик кундаланг кесими катта чикади. Демак, бу мушакда куч белгиси яхши ифодаланган.

Дельтасимон мушакнинг пайли учлари ингичка бўлади ва сүякка бирикиш сатхлари кичик юзани эгаллади. Маълумки, кичик сатх орқали сүякка бириккан мушакларда чакқонлик белгиси намоён этилади. Демак, дельтасимон мушакда куч, ҳамда чакқонлик хусусиятлари яхши ривожланган. Шу сабабли, организмда дельтасимон мушак энг ҳаракатчанг мушак бўлиб, энг ҳаракатчанг елка бўғимини ҳамма ҳаракатларини бажарилишини таъминлайди.

Катта думба мушакида эса, толалари параллел ҳолда жойлашган, думгаза сүякка бирикиш сатхи катта бўлади. Шунинг учун, бу мушакда факт куч сифати яхши ривожланган бўлиб, тананинг тик туриш ҳолатини таъминлаб берувчи асосий кучли мушаклардан бири ҳисобланади.

в) Мушакларнинг кучи мушак толаларининг узунлиги билан боғлиқ. Мушакнинг энг қучли қисқариш кобилияти толалари узунлигининг квадратига тугри пропорционал бўлади.

2) Мушакнинг кучига физиологик факторлар уз таъсирини курсатади, мушаклар таркибида қанчалик куп мотонейронларнинг сони қанчалик куп бўлса, шунчалик мушакларга тез импульслар етиб келади. Бир вақтда бир қанча мушак толалари кузгалади, мушак катта юкламали иш бажаришга тайер бўлади.

3) Механик факторлардан мушакнинг қисқариш кучининг катталиги ва тезлиги унинг сүякка бириккан қисмидан таянч нуктасигача бўлган масофага боғлиқ бўлади. Бу масофа қанчалик катта бўлса, мушакнинг ҳаракат кучи шунчалик катта бўлади. Масофа қанчалик кичик бўлса, ҳаракат тезлиги шунчалик катта бўлади. Демак, мушак кучдан ютканда, у масофа ва тезликдан ютказади ва аксинча – мушак тезликдан ва масофадан ютканда, кучдан

ютказади. Мушак кучига бўғим бурчагини ўзгариши ҳам хисобга олинади.

Бўғим бурчаги ўзгариб бориши билан бир вақтда мушак кучининг айланма моменти ўзгариб боради. Бўғим бурчаги қанчалик катта бўлса, мушакнинг қисқариш айланма моменти шунчалик кичик бўлади. Ҳаракат жараёнида бўғим бурчаги кичрайиб борган сари, мушакнинг тортишув кучининг елкаси ортиб боради.

Спорт амалиетида турли ҳаракатлар бажарилганда, қайси мушак ва қандай даражада ҳаракатда иштирок этишни аниқлашда электромиография усули кулланилади. Мушакларнинг электр активлиги аниқлангандан сунг электромиографик карталар тузилади. Куч талаб этувчи ҳаракатлар бажарилганда актив мушаклар гурухларнинг зурикиши уларнинг турли узунликда бўлишини талаб этади. Куч белгиларини ривожлантириш учун, машқлар жараенини бошлидан олдин, тайергарлик даврида жисмоний машқларни чузилган ва бушашган ҳолдаги мушакларда олиб борилиши лозим. Шунда куч кўрсаткичларининг ўсиш даражаси юқори бўлади.


Айнан мушакларнинг қисқариш айланма моментининг катталиги шу мушаклар ҳаракатлантирувчи бўғимларнинг ёки тананинг холатига боғлиқ. Куч ишлатиш вақтида бўғимларнинг ёки тананинг шу ҳаракатини амалга ошириш учун номувофик ҳолатда бўлиши, куч моментининг самарасиз ёки нотугри йўналишда ишлатилишига олиб келади ва куп ҳолларда спортчиларга травмаларга (лат ейишга) сабабчи бўлади. Шу сабабли, спортчилар ҳаракат техникасини аниқ бажаришга ва травмага олиб келувчи критик холатларни чеклаб утишга ҳаракат қиласидилар⁴.

Одам танасининг ҳаракатлантирувчи тизимлари ишини одатда механиканинг умумий қонуниятлари асосида изхор килинади. Биомеханика қонуниятларига биноан таянч-ҳаракат тузилмалари ишлаши дастаклар тизими иши сифатида баҳоланади. Дастак деганда ўз ўқи атрофида ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлган, елкаларига эса бир вақтда икки қарама-қарши куч: ҳаракатлантирувчи куч (мушаклар қисқариши) ва қаршилик кучи таъсир этувчи тана тушунилади. Ҳаракатлантирувчи ва қаршилик кучларининг катта-кичклигига мос равишда дастакда мувозанат холати ёки ҳаракатланиш содир бўлади. Дастакдаги мувозанат холати ёки ҳаракатланишни тўғри англаш учун дастак елкаси ва кучнинг айланиш моменти тушунчаларига эга булиш зарур.

Дастак елкаси деганда айланиш ўқи нуктаси (О) дан куч таъсир этаётган нукта (А ёки Б) гача бўлган масофа (OA ёки OB) назарда тутилади. Кучнинг елкаси деганда эса айланиш ўқи нуктасидан куч векторига (ёки унинг давомига) ўтказилган перпендикуляр билан белгиланувчи энг қисқа оралиқ

⁴ Mark D. Mamrak. Exercise sport pharmacology. / USA. – 2015.

масофа (OB_1 ёки OB_2) тушунилади расм № ҳар бир мушакнинг ҳаракат бажаришдаги иштироки даражаси бир вақтда унинг қисқариш кучи ва бу қуч таъсир этаетган елканинг узунлиги билан, яъни бир атама билан айтганда куч моменти билан белгиланади. Куч моменти (F) деб куч курсаткичи ва елка узунлигининг қўпайтмасига айтилади. F_1 куч моменти $f_1 \cdot OA_1$ ёки $f_1 \cdot SinOA$ купайтмаларига; F_2 куч моменти эса $f_2 \cdot OB_1$ ёки $f_2 \cdot SinOB$ купайтмаларига тенг бўлади. Шундай қилиб, дастакда мувозанат холати содир бўлиши учун айланиш укининг турли елкаларига таъсир этаетган қарама-қарши йуналишга кучлар моментлари ўзаро кўрсаткичларга эга бўлиши (яъни қарама-қарши йуналишга эга бўлган кучлар моментлари йифиндиси нолга тенг бўлиши) асосий шартdir. Куч моментларининг тенглиги бузилган холда эса дастак куч моменти каттарок бўлган бўлган томонга ҳаракатланади.



1 расм. Суякли дастакларга мушакларни таъсири.

I - мувозанат дастаки, II – куч дастаки, III – тезлик дастаки. А – таянч нуктаси, Б – куч таъсир этаетган нукта, В – каршилик нуктаси.

Бўғим ҳосил қилувчи суякларга бириккан мушакларнинг таъсир кучи моментлари доимий катталикка эга булмайди: айнан мушакнинг таъсир кучи моменти бўғим ҳосил қилувчи суякларнинг бир-бирига нисбатан холатига боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзаро холатининг ўзгариши билан мушакнинг таъсир кучи моменти ҳам ўзгаради.

Букувчи мушаклар қисқариб бориши жараенида мушак пайининг сукка бирикиш бурчаги ва у билан бир вақтда елка узунлиги ҳам ортиб бориши

окибатида куч моменти ҳам ортиб боради. Бунинг натижасида мушакнинг кутариш кути кескин ортади. Куп мушаклар суюкларга бўғимга якин ерда ва уткир бурчак остида бирикадилар. Бундай холларда куч елкаси каршилик елкасидан калта бўлади ва мушакларнинг иш бажариш хусусияти жихатидан ютказилади.

Ҳаракат-таянч тизимида мушакларнинг таъсир елкасини узайтириб берувчи ва шу туфайли уларнинг куч моментини ортириб берувчи тузилмалар мавжуд. Бундай тузилмалар каторига сесамасимон суюклар, блоклар, суюклардаги усимталар ва гадир-будурликлар, нотёкисликлар киради. Бу тузилмалар туфайли мушакларнинг куч моментлари ортади. Демак, мушакларнинг қисқариш кути нафақат мушак толаларининг сонига, балки куч елкасига ҳам нихоятда боғлиқдир.

Дастакларнинг турлари.

Ҳаракатлантирувчи (мушак қисқаришининг) ва каршилик кучларининг айланиш (ҳаракат) ўқига нисбатан жойланишига караб дастакларнинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи турлари тафовут килинади.

Бирламчи турдаги дастак икки елкага эга. Ҳаракатлантирувчи ва каршилик кучлари бир йуналишга эга бўлиб, айланиш уки эса улар оралигига жойлашади (159-нчи расм). Бирламчи турдаги дастаклар мувозанат дастаклари деб аталади. Бунга атлант-энса бирикмаси ва тос-болдир бўғими мисол була олади. Бирламчи дастакларнинг айланиш уки марказда жойлашган бўлиб, ўқнинг икки томонида эса дастакнинг елкалари жойлашади.

Иккиламчи турдаги дастаклар - бир елкали дастаклар бўлиб, қарама-карши кучлар бир елкага таъсир этади, аммо улар қарама-карши йуналишга эга бўлади. Бунда ҳаракатлантирувчи кучнинг елкаси узуроқ, каршилик кучининг елкаси эса қисқарок бўлади. Бундай дастакларга болдир билан оёқ кафти бирикмаси кириб, унга таъсир этувчи бир куч юқорига йуналган бўлса, иккинчи куч пастга йуналган.

Дастак ўқига бўлган босим катталиги икки таъсир кучларининг фарқига тенг бўлади. Иккиламчи турдаги дастакнинг конструктив хусусиятига биноан иш бажариш учун мушакдан катта куч билан қисқариш талаб килинади. Шунга кўра бундай дастакларни яна куч дастаки деб аталади.

Учламчи турдаги дастаклар ҳам бир елкали бўлсада, иккиламчи дастаклардан фарқли, уларда ҳаракатлантирувчи куч қисқарок

елкага, каршилик кучи эса узунрок елкага эга бўлади. Учламчи турдаги дастакларни тезкорлик дастаки деса ҳам бўлади.

Масалан, тирсакни букиш ҳаракатини амалга ошириш жараёнида каршилик кучи таъсир этаетган узунроқ елка билак суюгининг усимтасидаги эгриликка бириккан ҳаракатлантирувчи калта елкали кучга нисбатан каттарок масофани ўтади.

Шундай қилиб, қисқа елкага таъсир этаётган ҳаракатлантирувчи куч (мушак қисқариши) ҳаракат тезлигига ютиб, кучдан эса ютказади.

Одам ҳаракатларини амалга оширишнинг биомеханик хусусиятлари шундан иборатки, хар бир ҳаракат жараёнида максимал даражада энергия тежалиши учун дастакларнинг ишининг ўзаро узлуксиз алмашиниши, ажратилиши ва бирлаштирилиши кузатилади.

Юқорида куриб чиқилган бирламчи, иккиласми чиқиришниң биомеханик хусусиятлари шундан иборатки, хар бир ҳаракат жараёнида максимал даражада энергия тежалиши учун дастакларнинг ишининг ўзаро узлуксиз алмашиниши, ажратилиши ва бирлаштирилиши кузатилади.

Бўғимлар орқали бириккан тананинг бир қанча звенолари кинематик занжирлар деилади. Ёпик кинематик занжирда тананинг бирон қисмининг иккала учи турли таянчга бириккан бўлади.

Масалан, ковургаларнинг ҳам олдинги, ҳам орқа учларининг бирикиси ёки одамнинг тик ҳолатида оёкнинг таянчлари мисол була олади. Очик кинематик занжирда фақат бир учи маълум бир нуқтага бириқилган бўлади. Масалан, горизонтал ҳолда ёзилган қўлнинг бошлангич нуқтаси ковургага бириккан, дистал учи эркин ҳолда бўлади.

Ҳаракат бажарилишида ҳаракат аппаратининг бир нечта звенолардан ташқил топган занжири иштирок этади.

Ҳаракат эркинлиги чекланмаган тана ўзаро қўндаланг бўлган уч улчамили йуналишда ҳаракатни ошириш имкониятига эга бўлади, лёкин ҳаракатларнинг эркинлиги турлича бўлади ва 6 та даражада намоён бўлиши мумкин.

Уч улчамили йуналишдаги ҳаракатлар юқоридан – пастга, олдиндан – орқага, унгдан – чапга ва айланма ҳаракат йуналишларига эга бўлиши мумкин.

Бир занжирнинг иккинчи занжирга ўзаро бирикиш даражаси ортиб бориши билан бир каторда ҳаракат эркинлиги даражаси чекланиб боради.

Тананинг 2 та бут қисмларининг ҳаракатини шарсимион бўғим мисолида тахлил килинганда улар бир нуктада бирикиси ва ўзаро 5 йуналишда ҳаракат қилиши мумкинлигини қўрамиз, яъни бу бўғимда ҳаракат эркинлиги назарий жиҳатидан 5 та даражага эга ҳисобланади. Амалда эса бундай бўғимлардаги ҳаракат эркинлиги 3 даражали бўлади. Ҳаракат назарий эркинлик даражасининг амалда чекланишга бўғим атрофидаги капсуласи, боғламлари ва

мушаклар сабабчи бўлади.

Уч даражали ҳаракат эркинлиги шарсимон ва ёнгоқсимон бўғимларга хос бўлса (елка бўғими, тос-сон бўғими), 2 даражалиси – элипсоид, буртикли (тизза ва тирсак) бўғимларига, 1 даражали ҳаракат эркинлиги эса цилиндриксимон ва галтаксимон (фаланглар - аро) бўғимларга хосдир.

Назорат саволлари:

1. Суякларнинг морбофункционал тузилишининг тамойиллари.
2. Жисмоний юкламалар таъсирида спортчиларнинг суяк тизимида кимевий таркибининг ўзгариши.
3. Гипокинезия ва гиперкинезия таъсирида суяклардаги морфологик ўзгаришлар.
4. Статик ва динамик юкламаларни суякнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири.
5. Спортчилар скелетида адаптацион ўзгаришлар.
6. Статик ва динамик иш таъсирида морфологик ўзгаришларни таърифлаб беринг.
7. Спорт танлашда мушакларнинг цитохимик текшириш усуллари.
8. Спорт танлашда мушак толаларининг микдорий нисбатлари бўйича болалар ва ўсмирларни спорт турларига йуналтириш.
9. Юқори даражали жисмоний юкламалар таъсирида мушаклардаги ўзгаришлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. M.Dunford, Y A Doyle. Nutrition for sport and exercise. / USA. – 2013.
2. Mark D. Mamrack. Exercise sport pharmacology. / USA. – 2015.
3. Спортивная медицина. Национальное руководство. / Под ред. С.П.Миронова, Б.А.Поляева, Г.А.Макаровой. – М.: Гэотар-Медиа. – 2012 г. – 1182 с.
4. Спортивная фармакология и диетология. / Под ред. С.А.Олейника, Л.М.Гуниной. – М.-С-Пб.-К.: Диалектика. – 2008 г. – 249 с.
5. www.ziyonet.uz – Таълим портали.
6. www.libsport.ru – Спорт энциклопедияси портали.
7. www.bmsi.ru – Спорт фаолиятини тиббий таъминотига оид маълумотлар кутубхонаси.
8. www.sportmed.ru – Спорт тиббиёти портали.
9. www.ocw.mit.edu – Масачуссетс технологик институтининг очик ўкув курслари портали.

10. www.coursera.org – Жаҳон етакчи университетлар қонсорциумининг очик ўқув курслари портали.
11. www.universarium.org – МДҲ давлатлари етакчи олий таълим муассасаларининг очик ўқув курслари портали.

2-мавзу: Спортчиларнинг конституционал хусусиятлари.

Режа:

- 2.1. Конституционал морфология ва унинг таърифи. Конституционал схемалар таснифи.
- 2.2. Антропометрия ва соматотип ҳақида тушунча. Тана таркибини аниқловчи услублар.

Таянч иборалар: *конституционал морфология, конституционал схемалар, одам конституцияси, одам конституциясининг компонентлари, тана ўлчовлари, тана пропорциялари, тана хажмининг таркиби, тотал ва парциал ўлчовлар, антропометрия, соматотип, антропоскопия, тана қомати, одам танасининг симметрик ва асимметрик тузилиши.*

2.1. Конституционал морфология ва унинг таърифи. Конституционал схемалар таснифи.

Хозирги замон адабиётда, шу жумладан тиб илмига оид адабиётларда ҳам "конституция" сўзи одатда тана тузилишининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи термин сифатида ишлатилади. Айни вақтда биз "организм" тушунчасини ишлатмаймиз, чунки бу сўз гавда тузилишининг ўзига хос бўлган хусусиятларини ўз ичига олмайди, бинобарин, бу ерда тўғри келмайди. Лёкин шу вақтгача умумий қабул килинган "конституция тушунчасини" йўқлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Гавда тузилиши билан, конституцияни бир хил тушуниб бўлмайди.

Конституция

- гавда тузилмаларини, ҳамда уни метаболизм хусусиятларини ва реактивлигини ўз ичига олувчи кенг маънодаги тушунча, шунга қарамасдан кўпчилик муаллифлар қонституционилларни классификация қилишда гавданинг турли морфологик белгиларини асос қилиб олганлар.

Хозирги вақтда конституция деб ирсий бўлган ташқи муҳит омиллари таъсирида юзага чиққан организмнинг морфологик ва функционал белгиларнинг тўпламига айтилади. Организмнинг ҳамма намоён бўлган хусусиятлари ва белгилар йиғиндиси шахснинг индивидуал тараққиёт онтогенез темпини, ташқи муҳит таъсиrotларига нисбатан реактивлигини ифодалайди.

Конституцияни морфологик акси соматотип дейилади. Соматотип текширилганда асосан тананинг тотал ва парциал ўлчовларини ва тана

массасини ташкил этувчи асосий компонентларни миқдорий кўрсаткичлари аниқланади. Тана тузилмалари деганда эса гавданинг тузилишида иштирок этувчи турли метаболик ёки кам актив бўлган тўқималарнинг фоиз ёки килограммда белгиланадиган миқдори, ёки баллда ўлчанадиган сифатий ўлчов муносабатлари тушунилади.

Конституция негизини генотип ва фенотип ташқил этади. Русалов К.А. схемаси бўйича конституцияни иккита доира шаклида ифодалаш мумкин: марказий доирани - генотип, ва ташқи томондан ўраб турувчи доирани эса фенотип ташқил этади⁵.

Никитюк Б.А. эса конституцияни умумий ва хусусий қисмларга ажратади. Умумий қисми генотипдан ташкил топган бўлса, хусусий қисми эса фенотипдан таркиб топган.

Генотип

- бу организмнинг генетик конституцияси бўлиб, унинг хромосомалар тўпламидаги ҳамма аллел генлар йифиндисидан иборат. Фенотип эса генотипнинг мухит билан ўзаро таъсири натижасида юзага чиқадиган, организмнинг барча хусусиятлари ва белгилар йифиндисидир.

Икки олимнинг конституция тушунчасини таърифлашда фикрлари бир хил эканлигини кўрсатиш лозим. Шуни айтиб ўтиш керакки, фенотип организмнинг ҳамма генетик инфомасиясини акс эттиrmайди, турли мухит шароитларда бир хиллик генотип хар хил намоён бўлиши мумкин. Бу эса организмнинг норма реакциясига боғлиқ бўлади.

Конституция таълимотининг мұхим бўлимларидан бири - конституцияни турларга ажратиш ва диагностика қилиш мураккаб ва ҳозирги кунга қадар хали тўлиқ ечилмаган хисобланади. Конституцияни турларга ажратиш кадимги даврлардан бошланиб (Гиппократ, 460-377 янги эрагача бўлган давр), ўша даврларда конституция деганда тана тузилишини хилма-хил шаклда ифодаланиши кўзда тутилган. Тиббиётнинг антик даврига хос тасавурлардан бири организмда турли суюқликларни мавжудлиги (кора ўт, қон ва оддий ўт) ва суюқликлар аралашмасида бирон бир суюқликни миқдорини оширок бўлиши нафақат муайян конституция типини шаклланишини ифодалайди, балки шу конституцияга эга бўлган одамда ўзига хос хулк - атворини, касалликни ривожланиш механизмини ифодалайди деган фикр юритилган.

Кейинчалик Гален (131 - 211 янги эрагача бўлган) танани ташқи қиёфаси ёки тана тузилиши деганда "габитус" деган тушунча билан ифодалашни биринчи бўлиб таклиф қилган. Тиббиётда, анатомо-физиологик йўналишнинг айни ривожланиш даврида бир нечта классификацион жадваллар ишлаб

⁵ Спортивная медицина. Национальное руководство. / Под ред. С.П.Миронова, Б.А.Поляева, Г.А.Макаровой. – М.: Гэотар-Медиа. – 2012 г.

чиқарилди. Энг ижобий классификацион жадваллардан морфологик белгилар асосида ажратилган учта қонституционал турларнинг хусусиятларида устида тўхталиб ўтамиз:

- 1. Нормостеникларда (мезоморф тип) тана тузилиши уни ташкил қилувчи қисмларнинг нисбатлари нормага мувофиқлиги билан таърифланади;*
- 2. Астеникларнинг конституциясида тана ўлчовларидан узунасига караб ўлчовларни устун бўлишини хослиги (бу типни долихоморф типи деб хам номлашади);*
- 3. Гиперстеникларда (брахиоморф типли конституцияси) тана тузилишидаги кенглик ўлчовларининг яхши ривожланганини яккол кўринади*

Аслида бу классификациянинг асосини Севкуненко В.Н., А.М.Геселевич томонидан тана пропорцияларига қараб, одамларни долихоморф, брахиоморф ва мезоморф турларга боълиш тавсия этилган.

Шевкуненко В.Н., А.М.Геселевич найсимон суюкларнинг узунасига караб ўсиши эрта тугаса, натижада брахиоморфли конституция типи суюкларнинг ўсиш жараёни узоқ вақт мобайнида чўзилса, унда долихоморф тип шаклланиши кўрсатишиди. Рентгенологик текширишлар натижасида брахиоморф типдаги одамларда суюкланиш жараёнини эрта тугаши исботланган. Суюкларни ўсиш муддатларини чўзилиши эса, тананинг бўйини узун бўлишига ва долихоморф типини шаклланишига олиб келади. Тана тузилиши долихо-брахиоморфиякоординаталари бўйича тахлил қилинганда тананинг ташқи қиёфаси хисобга олинмасдан, балки унинг онтогенетик ривожланиш хусусиятлари асос қилиб олинади.

П.М.Мажуга, Е.Н.Хрисанфова фикрларига кўра, одам конституцияси мураккаб тиббий-биологик муаммо бўлиб, унга фақат бир томонлама қараш нотўғри эканлиги, одам конституциясини ташқил этувчи бир қанча белгилар асосида уни тахлил қилиш таклиф этилди. Конституционология соҳасида немис мактабини вакилларидан Э.Кречмер ишлари фанни ривожланишига туртки бўлди. Е.Кречмерни класификатор жадвали бўйича З конституция типи пикник, атлетик ва астеник фарқланади. Рухий касалликларни ривожланиши, тузалиш муддатлари ёки касалликни тақрорланиш муддатлари конституция турига боғликлиги Кречмер томонидан исботланган ва ҳозирги кунгача қадар психиатрияда кенг қўлланилади⁶.

Масалан, шизофрения касаллиги астеникларда пикникларга нисбатан оғир шаклда ўтиши ва борган сари касални зўрайиб кетиши билан фарқланади. Бундан ташқари Кречмер ишларида конституция типини шахснинг

⁶ M.Dunford, Y A Doyle. Nutrition for sport and exercise. / USA. – 2013.

ривожланиш даражаси, нозик ҳаракатларни бажаришда реакция тезлигига таъсири аниқланган, турли тиббий дорилари таъсири билан қон тизими томонидан жавоб реакциялари орасида коррелятив боғланишларни мавжудлиги кўрсатилди.

Кречмер биринчи бўлиб, тана тузилишини темперамент билан боғлик эканлигини ҳам исботлаб берган. Лёкин Э.Кречмер илмий изланишларда хатоларга йўл кўйган. Кречмер фикрича конституция шаклланишида фақат ирсият омилларининг таъсири кучга эга, ташқи муҳитни таъсири эса тўлиқ инкор этилади. "Конституция - бу фатум" деган ибораси конституцияни мутлақо ўзгартириб бўлмайди, у фақат ирсият қонунлари бўйича ривожланади деган тушунчани ягона тўғри фикр деб ҳисоблайди. Лекин олим хатининг охирида ўзининг ноҳақлигига амин бўлди. Бир гурух олимлари (Лисенков, И.Мичурин) конституция негизида ирсий белгиларни мавжудлигини тўлиқ инкор этиб, конституция шаклланишига фақат ташқи муҳит омиллари ягона аҳамиятга эга деган фикрларни фанда узоқ вақт давомида хукумронлик қилишга замин яратишади. Шуни айтиб ўтиш керакки машхур рус физиологи Сеченов И.М. фикрига кўра, хар бир инсоннинг психика мазмунини ва хусусиятларини ташқи муҳит ва ижтимоий омиллар ифодалайди.

Психика мазмуни 999/1000 қисми тарбия орқали шаклланса, 1/1000 қисми индивидуал хусусиятларга боғлик деб ҳисоблайди. Ҳозирги замон тушунчаларга биноан конституцияни шаклланишида ҳам ирсий, ҳам ташқи муҳит омиллари катта аҳамиятга эга, лёкин бу таъсиротларнинг кучи индивидуал тараққиёт даврига боғлиқ бўлади.

Б.А.Никитиюк, В.П.Шварц, Б.И.Коган ўтказилган текширишларида ирсий таъсиротларни кучи пренатал (емрионал) ва постнатал онтогенез даврида (туғилгандан кейин биринчи боскичларида) айникса кучли бўлади, лёкин ташқи муҳит шароитларини организмга кўпроқ таъсири ўспирин ва балоғатга этиш боскичларга хос бўлган даврда кузатилади. Маълумки конституция ирсий ва ташқи муҳит омилларининг ўзаро бирикиши орқали шаклланади, хар бир ген ўз фаолиятини бажариши учун, нафақат ички муҳит шароитлари, балки ташқи муҳит таъсиротлари остида намоён этилади.

Организмнинг турли белгиларини қайси омиллар таъсирида кўпроқ намоён этилишини генетиканинг эгизаклар усули ёрдамида кўрсатиш мумкин. Усулнинг моҳияти қўйидагидан иборат: аввал МЗ (монозигота - бир тухумли) ва ДЗ (икки тухумли) эгизаклар ва умумий популясиядан назорат гурухлари тузилади. МЗ-лар генотипи бир-бирига тўлиқ ушацдир.

МЗ-ларда учрайдиган фарқлар муҳит таъсирининг натижаси ҳисобланади. ДЗ-лар бир вақтда оталанган икки тухум ҳужайрадан ривожланган ва бир вақтда туғилган болалардир (К.Н.Нишонаев ва бошкалар, 2000). Кейин

алохида-алохида МЗ ва ДЗлар бир-бири билан солиштирилади. Бу усул ёрдамида белгининг ривожланишида ирсият ва муҳитнинг нисбатан роли аниқланади. Аммо белгиларнинг конкордантлиги (ушашлиги) ва дискордантлиги (ўхшамаслиги) таҳлил қилишддан аввал эгизакларнинг қандай зиготалигини аниқлаш зарур. Эгизаклар усули асосида скелет тузилмаларнинг ўзгарувчанлиги 70-80% ирсий таъсирининг натижаси остида ривожланиши кўрсатилган.

Йўл билан мушакларнинг ривожланишининг ўзгарувчанлиги ирсий омилларнинг таъсири фақат 50-60% ташқил қилиши исботланган.

Америкалик олим С.Селдон табиатда тарқалган популясияларда дискрет типларни ўрганмасдан, тана таркибини ҳосил қилувчи компоненталарни таксимланишини ўрганилиши зарур деган фикрни юритган. Тана компонентлари ўз ривожланишда турли манбаилардан келиб чиққанлиги сабабли, С.Селдон уч хил: эндоморф, мезоморф, эктомезоморф ва мезоморф конституция турларини фарқлайди⁷.

Эндоморфларда энтодерма варағидан ривожланган аъзолар устун бўлиши, эктоморфларда эктодерма варағидан келиб чиққан аъзолар ва ниҳоят мезоморфларда кучли тарақкий этган аъзолар мезодермадан келиб чиқиши билан таърифланади. Шелдон яратган қонституционал жадвалида бир қанча камчиликларга йўл кўйилган: а) тана соматотипи расмлар бўйича баҳоланган, б) тана компонентларни ривожланиш даражаси 1-7 балли тизим бўйича баҳоланган, в) соматотипни аниқлашда ҳисоб кўрсаткичлар фақат Л/З П индекси асосида аниқланган. Бу формулада Л - тана узунлиги, П - тана вазнини ифодалайди. Америкали антропологлар Б.Хит ва Л.Кarter Шелдон усулини такомиллаштириб, улар томонидан таклиф этган баҳолаш шкаласи (О) нолдан бошланиб охирги нуктасининг кўрсаткичи чекланмаган. Текшириш 7 стандарт антропометрик кўрсаткичларни аниқланиши билан бошланади.

Буларга тана узунлиги, вазни, елканинг дистал учидаги кенглиги (диаметри), елка, сон ва болдирниг тарангашган холдаги айланма кўрсаткичи ва калипер ёрдамида тананинг 4 соҳасидан олинган тери-ёғ бурмаларнинг кўрсаткичлари киради.

Соматотипни диагностикаси тана массасини ташкил этувчи компонентларининг миқдорий кўрсаткичлари асосида аниқланади ва маҳсус формулалар ёрдамида ҳисбланади. Ф - ёғ компоненти бўлиб, эндоморфияни ифодалайди ва қуйидаги формула билан аниқланади: $\Phi = /$ елканинг орқа юзасидаги, кўракнинг остидаги, ёнбош суюгининг юқори кирра юзасидаги ва болдирнинг орқа юзасидаги тери-ёғ бурмалари ўлчамларининг йифиндисига

⁷ Mark D. Mamrack. Exercise sport pharmacology. / USA. – 2015.

тенг.

М - скелет ва мушак компонентларини ифодалайди ва мезоморфия деган тушунчасини англатади. М = (тебраниш даражаларининг йифиндиси) елка, сон, болдириларининг дўнгликлар орасидаги диаметрларини йифиндисига тенг. 4 ва 8 сонстанта кўрсаткичи ҳисобланади.

Эктоморф компоненти тана пропорцияларини узунасига қараб ривожланганлигини белгилайди ва $L/3$ П формуласи бўйича аниқланади. Сўнг Хит Б. ва Картер Л. таклиф этган соматограмма бўйича текширувчининг тана компонентларининг микдорий кўрсаткичлари соматограмма кўрсаткичлари билан солиштирилади ва рақамларни ўрнашган жойи бўйича конституционал типи аниқланади.

Хит-Картер усули бўйича тана компонентларини ва конституция типини аниқлаш амалиётда энг аниқ ва кенг қўлланаладиган усуллардан бири ҳисобланади, чунки текширишларни турли ёшдаги, жинсдаги одамларда, спортнинг турли хил мутахассисларида шуғулланувчиларда ўтказиш мумкин. Хит-Картер томонидан ишлаб чиқилган соматограмма асосида узок вакт давомида динамик текширишларни ўтказиб, соматотипда рўй берадиган оъзгаришларни баҳолаш мумкин.

Илмий адабиётда функционал белгилар асосида тузилган конституционал жадвалларни жуда кам учратиш мумкин. Тиббиётда энг кенг таркалган ва қўлланилган усуллардан М.В.Черноруцкий томонидан ишлаб чиқилган конституция типларини аниқловчи жадвалидир. Бу жадвал бўйича конституция типлари гиперстеник, нормостеник ва астеникларларга ажратилган бўлиб, булар орасидаги фарқли белгилар нафақат морфологик кўрсаткичлар асосида балки функционал кўрсаткичлар; қон босими, нафас олишнинг кўрсаткичлари, эндокрин тизимини кўрсаткичлари ва модда алмашинув жараёнларини ҳисобга олган холда тузилган.

Сернорускийнинг илфор фикрлардан бири, бу соматотипни шаклланишида нафақат ирсият, балки ташқи мухит омиллари ҳам ўз таъсирини кўрсатади, чунки одам узок онто-филогенетик жараёни натижасида вужудга келган.

Психика мазмуни 999/1000 қисми тарбия орқали шаклланади, фақат 1/1000 қисми индивидуал хусусиятларга боғлик деб ҳисоблайди. Юқорида кўрсатилган усуллардан ташқари, тиббиёт ва спорт амалиётида қуйидаги соматиплаш жадваллари қўлланилади: И.Галанта томонидан тавсия этилган аёлларни соматотипини аниқлаш усули, В.В.Бунак жадвали эркаклар учун ишлаб чиқилган, В.Г.Штефко - А.Д. Островский ва 2000 йилда Дорохов Р.Н. томонидан болаларни соматотипи аниқловчи такомиллаштирилган усул таклиф қилган. А.И.Клиорин ва В.П.Стесов ишлаб чиқилган жадвалда

соматотипларни эркаклар ва аёллар орасида аниқлаш мумкин.

2.2. Антропометрия ва соматотип ҳақида тушунча. Тана таркибини аниқловчи услублар.

Тана таркиби деганда кўпчилик мутахассислар танани ташқил этувчи компонентлар нисбатларини фараз қиласиди. Тана таркиби ҳақида таълимот морфологияни янги бўлими бўлиб, охирги йилларда кўпчилик ўтказиладиган морфологик текширишларга киритилган. Аввалги текширишларда анатомлар препаровка усули ёрдамида тана таркибидаги ёғ, мушаклар, суяқ ва ички аъзоларни тана вазнига нисбатан фоизли микдорини аниқлашган.

Хозирги замон текширишларда рентгенографик, физик, кимёвий таҳлил қилиш усуллари ва изотопларни кўллаш усулларидан фойдаланилади. Тананинг оғирлик вазни умумлаштирилган кўрсаткич бўлиб, унинг асосида организмнинг кайси таркибий қисми, компоненти ўзгарганлигини аниқлаб бўлмайди.

Матейка тана вазни ёки массаси (В), суяқ (О), мушак (М), ег (Д) компонентларидан ва колдик қисмдан (Р) ташқил топганлиги ҳақида фикр юритган ва қуйидаги формула билан ифодалашни тавсия этган: $B = O + D + M + P$. Кейинчалик тана массасини актив (орик) ва пассив (ёғ) қисмларга ажратиш тавсия этилган. Тананинг актив (орик) массасини 70-72% сув, 7% минерал моддалар, маълум қисмини органик субстансия ташқил этади⁸. Бундан ташқари орик масса таркибига қон плазмаси, тоғтайлар, соч, тишлар киради. Бу аъзолар тўғридан-тўғри модда алмашинув жараёнларида иштирок этмаганлиги учун, асосан транспорт ва механик функсияларни бажаришда иштирок этади.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, тана массасининг актив қисми пассив қисмининг ташқил этувчи ёғ тўқимасига нисбатан модда алмашинув жараёнларида фаол иштирок этиши ва уларнинг бир-бирига бўлган микдорий нисбатлари жисмоний тараққиёт ва жисмоний ишчанлик даражасини аниқловчи кўрсаткич бўлиши исботланган. Организмнинг муҳим компонентларига ёғ, суяқ ва мушак компонентлари киради.

Контингент тана массасини ташқил этувчи компонентлар (тана вазнига нисбатан фоиз микдорлари) суяқ тўқимаси Мушак тўқимаси ёғ тўқимаси.

Тана таркиби биринчи навбатда озикланиш тартибига, харакатчанлик фаоллилага, иқлим, стрессларлар ва касаликлар таъсирида ўзгариб туради. Тана компонентларнинг микдорий нисбатлари касбга, жинсга, ёшга қараб ҳам ўзгарамади. Сунинг учун хар бир ёшга ва жинсга хос бўлган компонентларнинг

⁸ M.Dunford, Y A Doyle. Nutrition for sport and exercise. / USA. – 2013.

миқдорий кўрсаткичларини аниқлай олиш муҳим аҳамиятга эга.

Тана таркибини аниқловчи услублар:

Антропометрик усул

- одам танасининг жисмоний тараққиёт даражисини аниқлаш максадида, инсон гавдасининг шакли мураккаб тузилганлиги сабабли

унинг ўлчовларини аниқлашда қўлланилади. Ўлчашнинг 2 усули фарқланади - тотал ва парциал ўлчовларни аниқлаш. Тотал ўлчовларига - тананинг массаси, узунлиги ва кўкрак қафаси айланмасининг ўлчовлари киради.

Парциал ўлчовларига - тананинг ташқил этувчи айрим қисм ёки звеноларни бўйига, кўндалангига ва айланма кўрсаткичларини аниқлаши киради. Бу ўлчовлар асосида танани пропорцияларини, тана массасини белгиловчи тузимларини мидорини аниқлаш имконияти яратилади. Тана массаси таркибини ёғ, мушак, суяқ компонентлари ташқил этади. Компонентларнинг мидорий коърсаткичлари асосида тана соматотипи аниқланади.

Соматоскопик усул

- Антропометрик ўлчовлар воситасида нафақат жисмоний тараққиёт даражасини баҳолаш, балки тана таркибини ҳам текшириш мумкин. Бу

усул асосида кўкрак қафасининг шакли, мушакларнинг ва тери ости ёғ катламини ривожланиш даражасини, умуртқа поғонасининг кийшикликларини, тана конституцияси турини диагностика қилиш ва уни хусусиятларини аниқлаш мумкин. Тиббиётда бу усул 3 йўлда олиб борилади: а) пальпация - пайпаслаб кўриб ўрганиш йўли. б) перкуссия - бармоқ ёки болғача билан тукиллатиб кўриб аниқлаш йўли. в) аускультасия - маҳсус эшитув асбоблар ёрдамида эшитиб қўриш йўли⁹. Кўрсатилган усуллар аъзоларни соғлом ёки касалланган холатини ажратишда катта ёрдам беради. Спорт амалиётида спортчилар тана таркибини ва конституциясини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Соматоскопик йўналишнинг асосчиси чех антропологи Ян Матейка томонидан ишлаб чиқарилган формулалар ҳозирги кунгача кенг қўлланилади, лёкин формулаларда кўрсатилган қонстанта кўрсаткичлари фақат етук ёшдаги кишилар учун қўланилиши мумкин, аммо ўспириналар ва болаларда тана таркибини аниқлашда қонстанта кўрсаткичларини ўзгартириш

⁹ Спортивная медицина. Национальное руководство. / Под ред. С.П.Миронова, Б.А.Поляева, Г.А.Макаровой. – М.: Гэотар-Медиа. – 2012 г.

лозим. Матейка тана массасини ташқил этувчи ёғ, суяк ва мушак компонентларни аниқлаш учун қуйидаги формулаларни тавсия этди.

Ёғ компонентининг массаси Ян Матейка формуласига биноан $D = d^2 C / K_1$, тенг бўлиб, бунда D - ёғ компонентининг массаси, d - тери-ёғ катламларнинг ўртача кўрсаткичи, C - тана юзаси (m^2), K_1 - 1.3 тенг бўлган константа (ўзгармас кўрсаткич), d - тери-ёғ катламларнинг ўртача кўрсаткичини аниқлаш учун, тананинг 4 ёки 8 жойидан тери-ёғ бурмаларнинг қалинлиги калипер ёрдамида аниқланади. Ёғ массасини аниқлаш учун тана вазни, узунлиги ва юзасини аниқлаш лозим. Тана вазни тиббий тарозилар ёрдамида ўлчанади. Тана узунлиги ёғочли ростомер билан ўлчанади.

Тана юзаси эса $C = \phi(\Pi)^2 \phi(L)$ формуласи билан аниқланади. Бунда, C - тана юзаси, $\phi(\Pi)$ - вазн фактори, $\phi(L)$ - тана узунлиги фактори. Оғирлик ва узунлик фактор кўрсаткичлар Бойд жадвалидан аниқланади. Ёғ микдорини аниқлаш осон бажариладиган усуслардан бўлиб, маҳсус асбобларни талаб килмайди. Ёғ тўқимаси организмда энг ўзгарувчан тузилма хисобланади. Турли стресс омиллар таъсирида умумий ёғ микдори тез ўзгаради, камаяди, ёки купаяди. 8 ёшдан 16 ёшга кадар ўғил болаларда ёғнинг умумий микдори 3.8 кг.дан 8.9 кг.гача ошади.

Турли ёшдаги кизларда ёғнинг микдори ўғил болаларга нисбатан доим юқори юради. 18-30 ёшли эркакларда ёғнинг микдори тана массасига нисатан 11-14%, 46-60 ёшда эса - 20-22% ташқил қиласди.

Аёлларда 18- 30 ёшда ёғ компоненти 23 % атрофида, 45 - 70 ёшда эса - 32% гача этиши мумкин. Жисмоний фаоллик, эрталабки гимнастика машғулотлари, юриш, югуриш соғломлаштирувчи аҳамиятга эга бўлиб, тана вазини норма меъёрларида сақлашга ёрдам беради. Ёғизлантирилган масса таркибини мушак ва суяк компонентлари ташқил этади. Мушак компонентини аниқлашда елка, билак, сон ва болдирда мушак тўқимаси яхши ривожланган 4 қисмнинг радиусидан ўртачасини топишга асосланган бўлиб, қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$M=L^2 p / K_2$$

Бунда M = мушак массасининг абсолют микдори кг-да;

L - тана узунлиги, p - оъртача радиус, K_2 - 6,5га тенг константа, тажриба йўли билан топилган. Ўртача радиус - p - елка, билак, сон ва болдирларни айлана узунлигини мушаклар ниҳоятда ривожланган қисмларни ўлчаб топилади ва қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

p = елка, билак, сон ва болдирларни айлана ўлчовларининг жами 25,12 Рентгенологик усул ёғиз мушак ва суякларни ҳақиқий қалинлигини ўлчаш имконини беради ва нисбатан аниқ хисобланади.

Тананинг суяк массасини аниқлашда елка, билак, сон ва болдирларнинг

дистал қисмини диаметрларни ўлчаш асосида Матейка қуидаги формулани тавсия этди.

Бу формуларнинг кўриниши $O = K_2 \cdot c_2 \cdot L$ Бунда O - суяклар абсолют массасининг миқдори (кг - да).

c_2 - елка, билак, сон ва болдиirlар дистал қисмининг ўртacha диаметрларининг (кенглиги).

K_2 - қонстанта, 1,2 тажриба асосидан топилган.

L - тана узунлиги.

Матейка формуласининг камчилиги шундаки, ундаги 1,2 доимий кўрсаткич суякларнинг минерал билан тўйинганини, турли кишиларни ёши, жинси таъаллуқ томонларини хисобга олмайди.

Турли мутахассисли спортчиларда жисмоний юкламалар таъсирида тана пропорциялари, тана массасининг таркиби ва конституцияни ўзгариши аниqlанган. Тана пропорциялалари билан тотал ўлчовлари орасида боғланишлар топилган.

Танани новча бўлиши оёқнинг узунлиги билан боғлик. Баъзи спорт мутахассисликларида тана узунлигига юқори талаблар қўйилади ва бу кўрсаткич баскетболда, волейболда, гандболда асосий танлов мезони ҳисобланади. Тананинг антропометрик кўрсаткичларини кичиклашиб бориши юқори даражали гимнасткалар, акробатларда узоқ масофаларга сўзувчиларда кузатилади. Буларда, айникса фазода ёки сув муҳитида мураккаб, локомотор ҳаракатларни бажаришда, нафақат координацион сифатларни ривожланиши талаб қилинади, балки танани ихчам ва енгил бўлиши ҳам зарур. Оғир атлетика ва баъзи кураш турлари билан шуғулланувчиларда бўйини паст бўлиши, тананинг массаси ва кўкрак қафасининг айланма ўлчовларини юқори кўрсаткичлари билан таърифланади.

Тана таркибини ўзгариши нафақат спорт турига боғлик, балки бир спорт тури ичидаги юқори ёки паст даражали маҳоратга эга бўлган спортчиларда ҳам кузатилади. Спортнинг кўпчилик турларида мушак тўкимасининг абсолют кўрсаткичлари тана вазнига нисбатан анча катта бўлади. ёғиз компонентларини тез ривожланиши ва ўсиши айниқса 14 - 15 ёшли ўғил бола сузувчиларда ва 13-15 ёшли қизларда кузатилади. Тренировка жараёни қанчали вохли бошланган бўлса, шунчалик тана компонентларини миқдорий ўзгаришлари тез ривожланади ва аксинча қанчалик кеч ёшда тренировка жараёни бошланса, шунчалик тана таркибини ўзгариши суст ўтади.

Юқори мутахассисли спортчиларда 3-4 хафта мобайнида зўриккан тренировка жараёни давомида тана компонентларини нисбатлари ўзгариши мумкин. Ёғ ва суяк массасини ўзгариши мутахассислик турига боғлик. Масалан, енгил вазинли оғир атлетикачиларда ва кўрашчиларда мушак

тўқимаси максимал даражада ривожланган бўлса, шунчалик ёғ тўқимаси минимал даражада ривожланган бўлади. Оғир вазинли курашчи ва оғир атлетикачиларда аксинча, максимал даражада ёғ тўқимаси ривожланса, минимал кўрсаткичлари билан мушак тўқимаси ифодаланади.

Спортчи аёлларда, масалан юқори даражали гимнасткалар ва баскетболисткаларда эркакларга нисбатан ёғ катлами яхши ривожланган, лекин тери ости ёғни тана бўйлаб тақсимланиши эркакларга ўхшаш бўлади¹⁰. Масалан, гимнасткаларда тери ости ёғнинг энг қалин қатлами гавданинг орқасида жойлашса, баскетболисткаларда эса - қорин соҳасида. Спорт фаолияти натижасида, айникса тренировка жараёнининг тугаш даврида спорчиларда ёғ катлами анча камаяди.

Тренировкалар орасида компонентларнинг миқдорий нисбатлари бир оз ўзгариши мумкин. Тана компонентларининг миқдорий кўрсаткичлари баллар билан баҳоланади. Шелдон жадвалида компонентларнинг кўрсаткичлари етти балли (1-7) тизим бўйича баҳоланади. Маълум бир компонентнинг максимал ривожланиш даражаси 7 баллга teng, минимал ривожланиш даражаси 1 балл билан ўлчанади.

Хит-Кarter жадвали бўйича баллар нолдан бошланиб, охирги нуқтасининг рақами чегаралланмаган. Соматик типнинг баҳоланиши учта рақам билан белгиланади. Масалан, агар текширувчи 7-2-3 ракамлар билан соматотипни баҳоласа, демак бу шахсда ёғ компоненти ҳаддан ташқари ривожланган (7), мушак компоненти ривожланиш даражаси 2 баллга teng, демак, мушаклар жуда заиф ривожланган, 3 балл билан вазн - бўйи (тана узунлиги) индекси баҳоланади. Бу индекс тананинг бўйига қараб чўзилганлигини ифодалайди.

Кўпинча 3 - 5 -2, 4 - 3 - 3, 3 - 4 - 4 баллар билан ифодаланган соматотиплар учрайди. Назарий хисоблар бўйича 27 хил конституция типи ажратилиши мумкин. Лёкин конституция турларини ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши, тахлил қилишни кийинлаштиради. Сунинг учун амалиётда 3 ёки 5 хил конституция типини ажратиш тавсия этилади. Соматотипга ном беришда ёғ компоненти - эндоморф, мушак компоненти - мезоморф, танани бўйига қараб чўзилганлиги - эктоморф атамаларига мувофик бўлади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида йиллар давомида ўтказилган илмий тадқиқотлар натижасида хар бир спорт турида ўзига хос доминант (устун этувчи) соматотип хослиги кўрсатилди. Бу соматотипни кўрсаткичлари айнан шу спорт турининг талалабларига тўлиқ жавоб бериши ва спортчини юқори кўрсаткичларга эришишини таъминлайди.

¹⁰ Спортивная фармакология и диетология. / Под ред. С.А.Олейника, Л.М.Гуниной. – М.-С-Пб.-К.: Диалектика. – 2008 г.

Мушак компонентини максимал даражада ривожганлигини енгил вазнили оғир атлетикачиларда, сўнг эркин кўраш билан шуғулланувчиларда, дзюдоичаларда, миллий кўрашчилар орасида, боксерларда, тенисчиларда, қиличбозларда кузатилди.

Ёғ компонентини максимал даражада ривожланиши ва минимал даражада мушак тўқимасининг микдорий кўпайиши оғир вазнили оғир атлетикачилар ва кўрашчилар ва қисқа дистансияларга сўзишда мутахассислашган спортчиларга хосдир. Факат гимнастлар ва енгил атлетикачиларда, айникса узоқ масофага югурувчиларда эндоморф компонентининг ривожланиш даражаси кичик бўлади.

Катта кучни талаб қиласиган спорт турларида эндо-мезоморф тип устунлик қилса, тезкорликнинг талаб қиласиган спорт турларида экто-мезоморф тип устунлик қилади. Бир вақтда ҳам тезкорликни, ҳам кучлиликни талаб қиласиган спорт турларида конституционал турларнинг ниҳоятда хилмажил бўлиши кузатилди, чунки спортчилардан турли ҳаракат фаолияти ва жамоада ўйинчи сифатида унга жиддий талаблар кўйилади.

Хар бир спорт тури билан шуғулланувчиларда бошланғич давларда мувозанатли-мезоморф конституцияси учраши мумкин. Мувозанатли-мезоморф конституция баллари қўйидагича ифодаланади 2.5-4-2.5 ёки 3-5-3. Турли мутахассисли спортчиларда спорт фаолиятининг дастлабки босқчиларда соматотипи аниқланган.

Динамик кузатилиш икки йил давомида ўтказилиб, сўнг шу спортчиларнинг қайта соматотиплари баҳоланди, дастлабки ва охиридаги мезонлари солиштирилди. Турли жадалликка ва йўналишга эга бўлган машқлар таъсироти остида бу конституционал типда ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришлар нафақат бир конституционал тип ичидаги ўзгаришларга олиб келади, балки тана таркибини ташқил этувчи компонентларининг мезонларининг кескин ўзгариши туфайли, мувозанатли-мезоморф соматотипни бошқа конституционал типларга ўтиши кузатилди.

Масалан, мувозанатли-мезоморф конституцияга эга бўлган курашчилар икки йилдан сўнг қайта ўтказилган соматотиплаш натижасида соматотипи эндо-мезоморф типга айланиши кузатилди. Мувозанатли-мезоморф конституцияли боксчиларда эса экто-мезоморф конституциясини шаклланиши аниқланди.

Соматотипи бошка категорияга ўтиб кетган спортчиларда, кўрашчи ва боксчиларда маҳоратини олий даражага етиши ҳам кузатилди. Шундай қилиб, турли йўналишга ва жадалликка эга бўлган тренировкалар таъсири остида нафақат соматотипни ифодаловчи микдорий кўрсаткичлар ўзгариши, балки яхлит конституцияни ўзгаришига ҳам аниқланди.

Назорат саволлари:

1. Антропометрик текширишларни ўтказиш тамойиллари.
2. Спортда тана таркибини аниқлаш аҳамияти.
3. Тана таркибида мушак ва суяк компонентларини аниқлаш усуллари.
4. Конституционал жадваллар. Спортда қўлланиладиган энг қулай усуллар.
5. Долихоморф, брахиморф ва мезоморф қонституяция турлари.
6. Жисмоний машғулотлар ва спорт билан шуғулланувчиларда тана таркиби ва конституциясининг ўзгариши.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. M.Dunford, Y A Doyle. Nutrition for sport and exercise. / USA. – 2013.
2. Mark D. Mamrack. Exercise sport pharmacology. / USA. – 2015.
3. Спортивная медицина. Национальное руководство. / Под ред. С.П.Миронова, Б.А.Поляева, Г.А.Макаровой. – М.: Гэотар-Медиа. – 2012 г. – 1182 с.
4. Спортивная фармакология и диетология. / Под ред. С.А.Олейника, Л.М.Гуниной. – М.-С-Пб.-К.: Диалектика. – 2008 г. – 249 с.
5. www.ziyonet.uz – Таълим портали.
6. www.libsport.ru – Спорт энциклопедияси портали.
7. www.bmsi.ru – Спорт фаолиятини тиббий таъминотига оид маълумотлар кутубхонаси.
8. www.sportmed.ru – Спорт тиббиёти портали.
9. www.ocw.mit.edu – Масачуссетс технологик институтининг очик ўқув курслари портали.
10. www.coursera.org – Жаҳон етакчи университетлар қонсорциумининг очик ўқув курслари портали.
11. www.universarium.org – МДҲ давлатлари етакчи олий таълим муассасаларининг очик ўқув курслари портали.

3-мавзу: Генетик маркерлар ва спорт танлови.

Режа:

3.1. Генетик маркерлар ва уларнинг турлари. Абсолют ва нисбий ифодаланган генетик маркерлар.

3.2. Спорт танлови тўғрисида тушунча. Спорт танловининг турлари.

Таянч иборалар: генетик маркерлар, абсолют ва нисбий ифодаланган генетик маркерлар, генетик услублар, спорт танлови, спорт турига мойиллик.

3.1. Генетик маркерлар ва уларнинг турлари. Абсолют ва нисбий ифодаланган генетик маркерлар.

Одам конституцияси

— бу морфологик, функционал ва имтизомли белгилар йифиндисидан иборат бўлиб, бу белгилар эволюцион нуқтаи назардан узоқ вақт давомида шаклланган ва хар бир тур учун бўлган белгиларини ўзгармаслигини ва наслдан наслга ўтишини таъминлайди. Организмни ташқил этувчи барча белгилар келиб чиқиши жиҳатидан ирсий ва ортирилган белгилар гурухларларига бўлинади, бу белгиларни бир биридан аник_ажката олиш лозим. Биринчи гурухдаги белгилар ирсиятнинг тўлиқ таъсирида бўлса, иккинчи гурух белгилари эса кўпроқ ташқи муҳит таъсиротларига бўйсинади.

Одам конституциясини ташкил этувчи белгиларнинг кўп қисми эса ҳам ирсий, ҳам ташқи муҳит омиллар таъсири остида шаклланади. Бу белгилар учинчи гурух деб хисобланиб, ирсий асосда келиб чиқсан ва онтогенезнинг турли даврларида ташқи муҳит омиллари таъсирида ўзгаради, лекин ўзгарувчанлик даражаси организмнинг реакция нормаси билан чекланган.

Биринчи гурух белгилари ташқи муҳит омилларига бўйсинмайди. Бундай белгилар генетик маркерлар деб номланади.

Генетик маркерлар ирсий асосда ҳосил бўлган, фенотипда намоён этилади, индивидуал тараққиёт босқичларида ўзгармайди ва наслдан наслга ўтиш қобилиятига эга. Демак, генетик маркерлар қўйидаги белгилари билан таърифланади:

Генетик маркерлар хаёт давомида ўз хусусиятларини ўзгармас холда сақлаб бориш хусусиятига эга.

Генетик маркерлар фенотипда намоён бўлиши билан таърифланади.

Менделъ қонуниятларига бўйсинади ва наслдан наслга ўтиш хусусиятига эга.

Ташки мухит омилларига бўйсинмайди онтогенез даврларида ўзгармайди.

Генетик маркерлар икки гурухга бўлиниб, абсолют ва шартли равишдаги маркерлар тафовут этилади. Улар орасидаги фарқи - бу ирсийланиш даражасига боғлик. Ирсийланиш даражаси Хольсингер коэффициенти билан аниқланади¹¹. Абсолют генетик маркерларга - қон гурухлари, дерматоглифик (қўл излари), одонтоглифик (тиш чизиклари) кўрсаткичлари, иммуногенетик кўрсаткичлардан Н1А тизими, ва бир қанча генлар гурухлари (ангиотензиноген (АгТ, АСЕ).

Шартли равишдаги маркерларга соматотип, олий нерв фаолиятига боғлик бўлган темперамент типларини кўрсатиш мумкин.

Маркерлар организм таркибидаги бир қанча фермент тизимлари, иммунологик хусусиятлари ва бошка биологик актив моддалари билан боғланган холда бўлади. Ҳозирги кунда 120га якин полиморф ген локуслари ажратилади.

Генетик маркерлар тиббиётда, ирсий касалликларни ташхис қилиш учун кулланилади. Инфектология, иммунология ва иммуногенетикада генетик маркерларни қўлланилиши организмларни турли инфексияларга нисбатан сезувчанлигини текшириш учун, иммун жавобини кучини ва хар бир индивиднинг турли патологик жараёнларга мойилигини аниқлаш учун ёрдам беради. У ёки бу патологик холат билан боғлик бўлган генетик маркерлар асосида олдиндан даъват эта оладиган ва касалликни тўғри ташхис кила оладиган мезонларни ишлаб чиқариш имқониятлари яратилади.

Ўтган асрдан бошлаб, генетик маркерлар спорт амалиётида ҳам қўлланилиб келмокда. Жисмоний тарбия соҳасида генетик маркерлар болалар ва ўспириналарнинг анатомик, физиологик ва психологик хусусиятларини хисобга олган холда айнан у ёки бу спорт турига мойиллигини аниқлаб, спортга тўғри йўлланма беришда аҳамияти бебаходир.

Спорт танлови эса маълум вақт ичида муаян спорт тури билан шуғулланувчилар орасидан нафақат жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги жавоб берадиган, балки айнан шу спортга нисбатан келажаги перспектив, туғма талантга" эга бўлган спортчиларни бехато ва аниқ ажратиб беришга ёрдам беради.

Охирги йилларда спорт морфологияга генетик йўналишнинг кириб ривожланиши туфайли, спорт танлови муаммоси бўйича илмий қарашлари ўзгарган ва уни изохловчи ва даъват этувчи турларга ажратиш тавсия этилди. Изохловчи танлов текширилаётган спортчининг морфологик, функционал ва психологик ҳолатини айнан шу вақтга оид учун таҳлил қиласи. Бу танлов

¹¹ M.Dunford, Y A Doyle. Nutrition for sport and exercise. / USA. – 2013.

асосида ҳар бир спорт мутахассислигига оид "спортчи модели" ёки "еталони" яратилади. Бу модел кўрсаткичлари билан текширилаётган спортчининг морфологик, функционал, психологик ва техник-тактик кўрсаткичлари таққосланади, улар орасидаги ўхшашлик ва фарқли даражаси аниқланади. Эталон кўрсаткичлари билан қанчалик ўхшалик даражаси юқори бўлса, шунчалик спортчи мусобокаларда юқори натижалар кўрсатиш даражаси ошади.

Антрапогенетиканинг бир қисми бўлган тиббиёт генетикасининг асосий текшириш усулларидан тиббиёт амалиётига мослаштирилган холда фойдаланилади. Одам генетик текшириш обьекти сифатида анча камчиликларга эга, буларнинг энг асосийси - одамларда дурагайлаш, яъни экспериментал дурагайлаш усулини қўллаш мумкин эмаслигидир. Шундай бўлишига қарамасдан кишилик жамиятида никохнинг ҳар хил типларини топиш мумкин, керакли никох типларини топиш учун изчилик билан текшириш лозим. Узоқ кариндошлар тўғрисида аниқ маълумотлар тўплаш ҳам анча қийин, чунки уларсиз тўғри генеалогик карталарни тузиш мумкин эмас.

Генеалогия усули. Авлодлар шажарасини (генеалогиясини) тузишига асосланган усул бўлиб, амалиёт шифокорлари учун кенг маълум бўлган, энг қулай усулдур. Бу усул пробанднинг (генетик шифокорнинг назоратига тушиб ўрганила бошлаган биринчи шахс) кариндошлари тўғрисида маълумотлар тўплаш ва уни таҳлил қилишга асосланган, бунда пробандда ирсийланиши ўрганилаётган белгининг (касалнинг) фенотипик намоён бўлиши кузатилмаслиги ҳам мумкин.

Фақат ўлик ва ишончли маълумотларгина оиланинг шажарисини тўғри тузишга имкон беради. Сажара жадвалини чизи shaded умумий қабул қилинган белгилардан фойдаланилади.

Генеалогия усулидан фойдаланиш қуйидаги саволларга жавоб беришга имкон беради:

1. ўрганаётган белги, ирсими ёки ирсиймас эканлиги;
2. ирсийланиш типининг кандайлиги;
3. келажак авлоднинг прогнози;

Бундан ташқари бу усулдан одам популясияларидан мутасион жараёнининг жадаллигини ўрганишда, тиббиёт - генетика маслахатини ўтказишида, генларнинг бирикиши ва ўзаро таъсирини таҳлил қилишда ва уларни катталашибдишида ҳам фойдаланиш мумкин.

Генеалогия усули З та боскичда утказилади:

- 1.Маълумотлар тўплаш;**
- 2.Авлодлар шажарасини тузиш;**
- 3.Авлодлар шажарасининг таҳлили;**

Шажарани тузишни пробанддан бошланади, кейин эса унинг I, II, III, IV даражадаги қариндошлари суралади ва текширилади.

Тиббиётда бу усул клиник - генеалогик усул деб ҳам аталади, чунки шажара биронта касаликка нисбатан тузилади.

Шажарани ифодалаш, яъни урганилаётган белгини тасвирилаш ҳар бир шажара аъзосининг пробандга қариндошлигини курсатиш лозим.

Маълумотлар туплангандан кейин шажарани график тасвириланади, кейин эса генетик таҳлил вариантларидан бири - генеалогик таҳлил ўтказилади. Бунда шуни унумаслик керакки, белги шажарада бир неча марта учраши мумкин. Спортчиларни генеалогик шажарасини мустакил тузиб, жисмоний сифатларни наслдан-наслга ўтишини текшириш лозим (айниқса спорт оиласлари мисолида).

3.2. Спорт танлови тўғрисида тушунча. Спорт танловининг турлари.

Эгизаклар усули.

Усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат: аввал МЗ (монализигота) ва ДЗ (дизигот) эгизаклар ва умумий популясиядан назорат гурухлар тузилади. Кейин алохида - алохида МЗ ва ДЗ лар бир - бирлари билан солиширилади. Бу усул ёрдамида белгининг ривожланишида ирсият ва мухитнинг нисбатан роли аниқланади. Аммо, белгиларнинг конкордантлиги (ўхшашлиги) ва дискордантлигини (ўхшамаслиги) таҳлил қилишдан аввал эгизакларнинг кандай зиготалигини аниқлаб олиш зарур.

МЗлар майдаланишнинг дастлабки боскичларида битта зиготадан иккига бўлиниб, мустакил ривожланган болалардир. Сунинг учун ҳам МЗлар генотиплари бир - бирига тўлиқ ўхшашдир, МЗларда учрайдиган фарқлар мухит таъсирининг натижаси хисобланади. ДЗлар бир вақтда оталанган икки тухум хужайрадан ривожланган ва бир вақтда туғилган болалардир. ДЗлар оиласларни оддий сиблар каби бир - бирига ўхшаши ёки ўхшамаслиги мумкин,

чунки уларнинг умумий генлари 50% га тенгдир. Уларнинг бошка сиблардан фарқи эмбриогенездан ва туғилгандан кейин бир хил муҳит омилларининг таъсирида бўлишидир. Агар улар ҳар хил жинсли бўлса, дархол ДЗларга киритиш мумкин.

Бир жинсли эгизакларни зиготалигини аниқлаш учун уларни ҳар хил меъзонлар бўйича солиштириш лозим. Энг кулагай усул - бу терини трансплантисијасидир. Трансплантантнинг яхши қўшилиб кетиши монозиготаликдан далолат беради.

Педагоглар ва педиатрлар эгизаклар усули ёрдамида муҳит ва ирсиятнинг интеллект, руҳий қобилияtlарни ривожланишидаги ролини аниқлаш мумкинлигини, унутмасликлари керак, боланинг табиий туғма қобилияти фақат муҳитнинг маълум шароитлари мавжуд бўлганда гина юзага чиқиши мумкин.

Сунингдек энг кулагай муҳит шароитлари бўлганида ҳам қобилияtnинг ирсий жиҳатидан генотипда белгиловчи генлари бўлмаганида юзага чиқиши мумкин эмас.

Спорт амалиётида болада кандай қобилияtlар борлигини маълум тестлар ёрдамида аниқлаш, ундан кейин эса унинг ривожланиши учун зарур шароитни яратиш лозим. Эгизакларда турли жисмоний юкламалар таъсирида белгиларни намоён этилиши, монозигота ва дизиготалик эгизакларда ўхшашлик ва фарқли белгиларни орасидаги масофани аниқлаш мумкин.

Цитогенетик усули.

Цитогенетик усулдан хромосомалар тузилиши ва сонининг ўзгаришларига боғлик бўлган касалликларни ўрганишда, хрососомаларни карталаштиришда, уларнинг полиморфизини ўрганишда ва бошқа ирсий муаммоларни аниқлашда кенг фойдаланилади.

Фақат цитогенетик усулгина хромосома патологияларида ташхис кўйишга имкон беради, шунинг учун ҳам дифференсиал ташхисда бу усул жуда кулагайдир. Масалан, Даун касаллигининг клиник кўриниши аниқланганда фақат ситогенетик усулнинг ёрдами билангина трисомия вариантини (47, XX+21) транслокасия синдромларидан (45, XX+t15+21) ажратиш мумкин. Буни аниқлаш эса касал бола ўлган оиласда авлод прогнозини аниқлашда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Цитогенетик усулни қўллашнинг асосий боскичлари қўйидагилардир:

- 1) ҳужайраларни ажратиб олиши ва сунъий ўстириши;*
- 2) хромосомаларнинг метафаза ҳолатини олиши;*
- 3) метафаза ҳолатидаги хромосомаларни микроскопда ўрганиши ва кариотипни аниқлаши.*

Текшириш учун ҳужайраларни суяқ кўмигидан, теридан, уруғдонлардан олиш мумкин, лёкин энг кулай объект қоннинг ядро сақловчи ҳужайралари.

Цитогенетикада кенг қўлланиладиган усуллардан бири одам соматик ҳужайраларида жинсий хроматинни аниқлашdir. Бу усулнинг авзаллиги - унинг соддалиги ва тез текшириб ўтказиш ва хулоса олиш мумкинлиги. Лунж шиллик пардасидан кириб тайёрланган ва эпителиал ҳужайралардан ташқил топган суртма ёки периферик қон лейкоцитлари препарати маълум бўёклар билан (эозин, лакмус) бўялади ва микроскопда расмга туширилади. Жинсий хроматин тначаларини камида 100 ҳужайраларда санаб, хромосома тўпламида X- хромосома сонини аниқлаш мумкин.

Цитологлар Барр ва Берtram биринчи бўлиб урғочи мушукнинг бош мияси нейронлари ядроси мемранасида бўялган таначаларни топишиди, эркак мушакларда эса бундай таначалар топилмаганилиги учун бу таначаларни жинсий хроматин ёки Барр таначалари деб атадилар.

Иммуногенетик усули.

Иммуногенетиклар

- одам генетикасининг бир сохаси бўлиб, антигенлар спесификлиги, ирсийланиши қонунларини, иммунитет реакцияларининг амалга оширишда ирсиятнинг ролини ўрганади.

Тўқималарни кўчириб ўтказиш (трансплантасия) сохасида олиб борилган тажрибалар натижасида XX асрнинг 40 - йилларида тўқималар мослиги бош комплекси (МНС) ҳақида тушунчалар пайдо бўлди. МНС генетик тизим томонидан назорат килинадиган антигенлар иммунологик танишда ва иммун жавобда, ҳужайраларнинг ўзаро таъсирида катта роль ўйнаши маълум бўлди.

Кейинчалик МНС ичida фақат тўқималар антигенларининг генларигина эмас, иммун жавоб кучини аниқловчи генлар ва лимфоситлар юзасидаги

ресептор генлари ҳам жойлашиши аниқланди.

Иммуногенетика усули антропологик текширишларда одам популяцияларида бир хиллиги ва полиморфизмни аниқлашда ҳам фойдаланилади. Кейинги йилларда МНС тизими таркибидаги HLA тизими спорт танлашда муваффақиятли қўлланилмоқда.

Биокимёвий усул.

Бу усул клиник биокимёда қўлланиладиган, ирсий касалликларни аниқлаш учун фойдаланилади. Масалан: қонда ирсий гипотиреозни токималарда калқонсимон гормонлар миқдорини ва ирсий диабетда инсулин миқдорини аниқлаб ташхис қўйиш мумкин. Ҳозирги даврда биокимёвий усуллар мутант геннинг гетерозигот ташувчиларни аниқлашда ва пренатал диагностикада тобора кенг қўлланилмоқда.

Биокимёвий усулларни ирсий мойили касалликларга ташхис қўйишда ҳам қўллаш мумкин. Масалан, миокард инфаркти билан оғриган касалларнинг оила аъзоларини текширилганда гиперхолестеринемия белгиси аутосома - доминант типда ирсийланиши аниқланди. Тадқиқотлар мутант ген экспрессияси натижасида битта аномал оқсил синтезланиши, бу оқсил юқори зичликли липопротеин ресепторларининг оқсили эканлигини кўрсатди.

Биокимёвий усуллар генетик ва клиник полиморфизмни ўрганишда ҳам фойдаланилади. Масалан, юқорида келтирилган тадқиқотда гиперхолестеринемия ҳолатларининг 5% нинг сабаби доминант ирсийланувчи ген орқали вужудга келади.

Биокимёвий усуллар кўп меҳнат ва маҳсус жихозлар ҳамда қимматбаҳо реактивларни талаб қиласи. Шунинг учун ҳам оммавий популясион тадқиқотларда кенг қўлланилмайди.

ДНК зондлари усуллари.

Бу усул молекулар генетиканинг энг замонавий усулларидан бири бўлиб, тиббиёт генетикаси амалиётида тобора кенг қўлланилмоқда.

ДНК зондлари усулининг қўлланилиш соҳасини ва аниқлаш имқониятини кенгайтириш максадида тобора такомиллаштирилмоқда. ДНК зондлари усули назарий генетикада прокариотлар ва эукариотларнинг генетик картасини тузишда, генларни карталаштиришда, ДНК полиморфизмини ўрганишда, тиббиёт генекасида эса ирсий касалликларнинг диагностикасида қўлланилмоқда.

ДНК зонди усулидан мутант геннинг структураси номаълум бўлганида,

лёкин у структураси маълум ген билан жуда яқин бирикканида фойдаланиш ҳам мумкин. Бунда зонд нуклеотидлар кетма-кетлиги маълум бўлган "нормал" генга синтезланади. Рестриксияланганда бу генлар орасидаги бирикиш бузилмаслиги учун гибридизасия натижасида мутант геннинг мавжудлигини аниқлаш мумкин.

Делесия типидаги аберрасиялар билан боғлиқ бўлган касалликларни (таоассемиянинг баъзи турлари) аниқлашда ҳам гибридлаштириш принсипига асосланган ДНК - диагностика усулини қўллаш мумкин. Бунинг учун нормал ДНКнинг гибридлашган қисмларни касали олинган ДНКнинг гибридлашган қисмлари билан солиширилади. Гибридлашган қисмлардаги аномалиялар генетик мутасиялар табиатини аниқлашга имкон беради.

Статистик - популяцион усул¹²

Бу усул популясиянинг генетик структурасини, яъни ундаги аллеллар ва генотиплар учрашиш частотасини аниқлашга имкон беради.

Генетикада одам популясияси деганда узоқ вақт (бир неча авлод давомида) маълум ареалда яшайдиган ва шу ареалга адаптасиялашган, панмиксия билан характерланадиган кўп сонли одамлар грухи тушунилади. Панмиксия ёки эркин никоҳ шундай ҳолатки, бунда популясиянинг ҳар бир аъзосининг ўша популясияланган истаган шахс билан никоҳ кўра олиши имконияти назарий нуқтаи назардан мавжуддир.

Панмиксиянинг популясияларида табиий танлаш, дамларда (аҳоли сони 1500 дан 4000 гача) ва изолятларда (аҳоли сони 1500 гача) эса генлар дрейфи таъсир қўрсатади. Бу ҳолатни статистик - популясия усулини қўллашда назарда тутиш лозим, чунки аллеллар ва генлар частотаси Харди - Вайнберг қонунига асосан ҳисобланади.

Қонунга асосланган гомозигот ва гетерозигот организмларни популясиядаги нисбати ўзгармас бўлади. Популясион усул билан генетик юқ, юзага чиқиш эҳтимоли, ирсий касалликлар учраш нисбати аниқланади.

Дерматоглифика усули

Одамнинг юз ва қўл кафт бармоқлари юзаси турли ва мураккаб нақшлар ҳосил қилувчи чизиклар билан қопланган. Нақшларни ҳосил бўлишида терининг 2 кавати иштирок этади: булар шох каватининг ҳосил қилувчи - эпидермис ва бириктирувчи тўқима - дерма қавати.

¹² Спортивная медицина. Национальное руководство. / Под ред. С.П.Миронова, Б.А.Поляева, Г.А.Макаровой. – М.: Гэотар-Медиа. – 2012 г.

Эпидермиснинг бўртиб чиккан қисми остида биритиравчи тўкима сўргичсизон ўсимталари жойлашган бўлиб, буларнинг ичига қон томирлари, нерв тузилмалари ва тери безларининг чикарув найлари киради. Хар бир одам тери накшлари ўзига хос шахсий хусусиятларига эга бўлиб, кадимги замонлардан аҳамият берилган.

Тахмин килинишича, кадимги Хитой давлатида бармоқ изларидан шахсни аниқлаш учун фойдаланилган.

Чех анатоми Й. Пуркинье Европада илк бор тарқалган бармоқларнинг классификациясини яратган. У ўз асарида маймунлар ва одамлар бармоқлар юзасида 2 хил тери накшлари борлигини аниқлаган. Аммо бу асар илмий дунёда 19 асрдагина танилган. У. Гершел ва Г. Фолдс томонидан суд тиббиёти амалиётига жиноятчиларни қўл панжаларининг излари ёрдамида рўйхатга олишни киритилган. Инглиз олимни Далътон илмий ишларида тери нақшлари классификациясини такомиллаштирган ва уни оммавий илмий изланишлар учун қулай холатга келтирган, ҳамда қўл тери нақшларини ирсият конуниятларини ўрганишда ва эгизакларни бир зиготалик ёки хар хил зиготалик бўлишини аниқлашда ишлатилишини тавсия қилинган.

Тери накшлари ўрганувчи фанни Г. Камминс ва Ч. Мидло "дерматоглифика" деб номлашни тавсия этишган.

Дерматоглифика амалиётида қўйидагича қўлланилади:

1. Спорт танловини объективиравища ўтказиш мақсадида генетик маркер сифатида харакатчанлик белгиларини ривожланиш даражасини прогноз қилишда фойдаланилади.

2. Тиббиётда диагностик тест сифатида ирсий касалликларни аниқлашда ва турли соматик ва асабий касалликларни келажак авлодда ривожланиш эхтимолини прогноз қилишга имкон беради.

3. Иркшунослиқда одам популяцияларида мавжуд бўлган генлар полиморфизмини, халкларни этногенезини ўрганишда ва одамнинг қайси этник гурухга киришини аниқлашда қўлланилади.

Назорат саволлари

1. Эркак ва аёл организми ўртасида фарқли функционал белгилар.
2. Олий спортнинг аёллар организмига таъсири.
3. Умумий қирралар сони нимани ифодалайди.
4. Дерматоглифика кўрсаткичлари қайси соҳаларда қўлланилади.
5. Спорт танлови ва спортга йўналтиришнинг асосий тамойиллари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. M.Dunford, Y A Doyle. Nutrition for sport and exercise. / USA. – 2013.
2. Mark D. Mamrak. Exercise sport pharmacology. / USA. – 2015.
3. Спортивная медицина. Национальное руководство. / Под ред. С.П.Миронова, Б.А.Поляева, Г.А.Макаровой. – М.: Гэотар-Медиа. – 2012 г. – 1182 с.
4. Спортивная фармакология и диетология. / Под ред. С.А.Олейника, Л.М.Гуиной. – М.-С-Пб.-К.: Диалектика. – 2008 г. – 249 с.
5. www.ziyonet.uz – Таълим портали.
6. www.libsport.ru – Спорт энциклопедияси портали.
7. www.bmsi.ru – Спорт фаолиятини тиббий таъминотига оид маълумотлар кутубхонаси.
8. www.sportmed.ru – Спорт тиббиёти портали.
9. www.ocw.mit.edu – Масачуссетс технологик институтининг очик ўқув курслари портали.
10. www.coursera.org – Жаҳон етакчи университетлар қонсорциумининг очик ўқув курслари портали.
11. www.universarium.org – МДҲ давлатлари етакчи олий таълим муассасаларининг очик ўқув курслари портали.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

Жисмоний юкламалар таъсирида сүяк ва мушак тизимидағи морфологик үзгаришлар.

Ишдан мақсад:

Спортда юкламалар таъсирида таянч-харакат тизими компонентларида мослашиш механизмлари орқали вужудга келадиган морфологик ва патологик үзгаришларни ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши:

Организмнинг жисмоний юкламаларга мослашиб бориш йўллари. Адаптацияни бошқариш ва уни морфологик кузатиш. Суяк тизимини жисмоний юкламаларга мослашиш хусусиятлари.

Мушаклар ва суяк дастаклари орасидаги муносабатларнинг биомеханик асослари. Мушак тизимини жисмоний юкламаларга мослашиш хусусиятлари.

Статик ва динамик юкламалар таъсирида мушак тизимида морфологик үзгаришлар. Юқори даражали жисмоний юкламалар таъсирида мушаклардаги үзгаришлар.

Ишни бажариш учун намуна: Статик ва динамик юкламалар таъсирида мушак тизимидағи қўйидаги морфологик үзгаришларга эътибор бериш зарур:

| | Статик юкламалар | Динамик юкламалар |
|----|---|---|
| 1. | Мушакнинг ҳажми кескин ҳолда ортади | Мушакнинг ҳажми меъёрий ҳолда ортади |
| 2 | Мушакнинг пайли учлари яхши ривожланади ва чузилади | Мушакнинг коринчали қисми чузилади, пайли учлари калталашади |
| 3. | Мушакнинг пайли учларини сүякка бирикиш сатхлари катта бўлади | Мушакнинг пайли учларини сүякка бирикиш сатхлари кичик бўлади |
| 4 | Мушакнинг таянч ва трофик аппаратлари яхши ривожланади: (эндомизий, перемизий, ядро ва умумий органеллалар) | Мушак толасининг қисқартирувчи аппарати яхши ривожланади (миофибриллалар) |

| | | |
|----|---|--|
| 5. | Мушак толаларида саркоплазмаси кўп, миофибриллалари турли йуналишда, тарқоқ ва тартибсиз жойлашган | Мушак толаларида саркоплазмаси кам, миофибриллалар зич ва параллел ҳолда жойлашган |
| 6. | Мушак тутамлари орасида сийрак толали биринкирувчи тўқима ривожланади | Мушак тутамлари орасида зич толали биринкирувчи тўқима ривожланади |
| 7. | Мушак таркибидаги нерв охирларининг сатх майдонлари кенглига қараб ошади. Кон капиллярларни миқдори ортади ва нозик тутамли турлар ҳосил бўлади | Нервларни сони 4-5 марта ортади Нерв охирлари мушак юзаси бўйлаб чузилади. Мушак юзаси билан контакт этувчи капиллярлар тур майдонларининг сатхи кенгаяди. Резерв ва қўшимча капиллярлар ишга тушади |

Назорат саволлари

1. Суякларнинг морбофункционал тузилишининг тамойиллари.
2. Гипо- ва гиперкинезия таъсирида суяклардаги морфологик ўзгаришлар.
3. Статик ва динамик юкламаларни сук ўсиши ва ривожланишига таъсири.
4. Спортчилар скелетида адаптацион ўзгаришлар.
5. Статик ва динамик иш таъсирида морфологик ўзгаришлар.
6. Спорт танлашда мушакларнинг цитохимик текшириш усуллари.
7. Мушак толалари миқдорий нисбатлари бўйича болалар ва ўсмирларни спорт турларига йўналтириш.
8. Юқори жисмоний юкламалар таъсирида мушаклардаги ўзгаришлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. M.Dunford, Y A Doyle. Nutrition for sport and exercise. / USA. – 2013.
2. Mark D. Mamrack. Exercise sport pharmacology. / USA. – 2015.
3. Спортивная медицина. Национальное руководство. / Под ред. С.П.Миронова, Б.А.Поляева, Г.А.Макаровой. – М.: Гэотар-Медиа. – 2012 г. – 1182 с.
4. Спортивная фармакология и диетология. / Под ред. С.А.Олейника, Л.М.Гуниной. – М.-С-Пб.-К.: Диалектика. – 2008 г. – 249 с.
5. www.ziyonet.uz – Таълим портали.
6. www.libsport.ru – Спорт энциклопедияси портали.

7. www.bmsi.ru – Спорт фаолиятини тиббий таъминотига оид маълумотлар кутубхонаси.
8. www.sportmed.ru – Спорт тиббиёти портали.
9. www.ocw.mit.edu – Масачуссетс технологик институтининг очик ўкув курслари портали.
10. www.coursera.org – Жаҳон етакчи университетлар қонсорциумининг очик ўкув курслари портали.
11. www.universarium.org – МДҲ давлатлари етакчи олий таълим муассасаларининг очик ўкув курслари портали.

2-амалий машғулот:

Спортчиларда қонституционал жиссиятларининг спорт амалиётидаги моҳияти.

Ишдан мақсад:

Инсон танасининг таркибий компонентларини антропометрик усуллар ёрдамида аниқлаш орқали спорт натижаларини дастлабки башорат қилишни ўрганиш.

Масаланинг қўйилиши:

Тана таркибини аниқловчи услублар. Антропометрия – одам танасининг жисмоний ривожланиш даражисини аниқловчи усул. Тотал ва парциал ўлчовларни аниқлаш. Тана компонентлари: ёғ, мушак, суюк хажми, тери майдони. Тана компонентларининг микдорий кўрсаткичлари асосида тана соматотипини аниқлаш. Соматоскопия ўлчаш усуллари: пальпация, перкуссия, аускультация.

Ишни бажариш учун намуна:

Антропометрия ва соматоскопия кўрсаткичларини ифодаловчи қонстанталарни тахлил қилиш ва изоҳлаш. Бойд жадвалини қўллаш. Матейка формулаларидан аёл, эркак, болалар ва ўсмир спортчиларда фойдаланиш.

Турли мутахассисли спортчиларда жисмоний юкламалар таъсирида тана пропорциялари, таркиби ва конституцияси ўзгаришини аниқлаш. Тана пропорциялари билан тотал ўлчовлари орасидаги ўзаро боғланишларни баҳолаш.

Назорат саволлари

1. Антропометрик текширишларни ўтказиш тамойиллари.
2. Спортда тана таркибини аниқлаш аҳамияти.
3. Тана таркибида мушак ва суюк компонентларини аниқлаш усуллари.
4. Қонституционал жадваллар. Спортда қўлланиладиган энг қулай усуллар.
5. Долихоморф, брахиморф ва мезоморф конституцияция турлари.
6. Жисмоний машғулотлар ва спорт билан шуғулланувчиларда тана таркиби ва конституциясининг ўзгариши.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. M.Dunford, Y A Doyle. Nutrition for sport and exercise. / USA. – 2013.
2. Mark D. Mamrack. Exercise sport pharmacology. / USA. – 2015.
3. Спортивная медицина. Национальное руководство. / Под ред. С.П.Миронова, Б.А.Поляева, Г.А.Макаровой. – М.: Гэотар-Медиа. – 2012 г. – 1182 с.
4. Спортивная фармакология и диетология. / Под ред. С.А.Олейника, Л.М.Гуниной. – М.-С-Пб.-К.: Диалектика. – 2008 г. – 249 с.
5. www.ziyonet.uz – Таълим портали.
6. www.libsport.ru – Спорт энциклопедияси портали.
7. www.bmsi.ru – Спорт фаолиятини тиббий таъминотига оид маълумотлар кутубхонаси.
8. www.sportmed.ru – Спорт тиббиёти портали.
9. www.ocw.mit.edu – Масачуссетс технологик институтининг очик ўқув курслари портали.
10. www.coursera.org – Жаҳон етакчи университетлар қонсорциумининг очик ўқув курслари портали.
11. www.universarium.org – МДҲ давлатлари етакчи олий таълим муассасаларининг очик ўқув курслари портали.

З-амалий машғулот:

Спорт танловининг турлари ва унинг тиббий-биологик асослари

Ишдан мақсад:

Турли тиббий-биологик усуллар ёрдамида спорт танлови ва спорт турига йўналтириш тамойилларини ўрганиш.

Масалаланинг қўйилиши:

Спорт танловини самарали амалга оширишда кўмакловчи усуллар. Генеалогия усули; эгизаклар усули; цитогенетик усул; иммуногенетика усулининг спортда мономорфизм ва полиморфизмни аниқлашдаги ўрни. Ирсий мойиллиги мавжуд хасталикларни ташхислашда клиник-биокимё усулларни қўллаш. ДНК зондлари ва статистик-популяцион усуллар. Дерматоглифика усулини спорт амалиётида қўлланилиши.

Ишни бажариш учун намуна:

Спорт танловини объектив ўтказиш мақсадида генетик маркер сифатида харакатчанлик белгиларини ривожланиши дараҷасини баҳолаши.

Назорат саволлари

1. Эркак ва аёл организми ўртасида фарқли функционал белгилар.
2. Олий спортнинг аёллар организмига таъсири.
3. Умумий қирралар сони нимани ифодалайди.
4. Дерматоглифика кўрсаткичлари қайси соҳаларда қўлланилади.
5. Спорт танлови ва спортга йўналтиришнинг асосий тамойиллари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. M.Dunford, Y A Doyle. Nutrition for sport and exercise. / USA. – 2013.
2. Mark D. Mamrack. Exercise sport pharmacology. / USA. – 2015.
3. Спортивная медицина. Национальное руководство. / Под ред. С.П.Миронова, Б.А.Поляева, Г.А.Макаровой. – М.: Гэотар-Медиа. – 2012 г. – 1182 с.
4. Спортивная фармакология и диетология. / Под ред. С.А.Олейника,

Л.М.Гуниной. – М.-С-Пб.-К.: Диалектика. – 2008 г. – 249 с.

5. www.ziyonet.uz – Таълим портали.
6. www.libsport.ru – Спорт энциклопедияси портали.
7. www.bmsi.ru – Спорт фаолиятини тиббий таъминотига оид маълумотлар кутубхонаси.
8. www.sportmed.ru – Спорт тиббиёти портали.
9. www.ocw.mit.edu – Масачуссетс технологик институтининг очик ўқув курслари портали.
10. www.coursera.org – Жаҳон етакчи университетлар қонсорциумининг очик ўқув курслари портали.
11. www.universarium.org – МДҲ давлатлари етакчи олий таълим муассасаларининг очик ўқув курслари портали.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

КЕЙС-СТАДИ методи.

1-Муаммоли вазият:

“Ота-она фарзандини спорт билан шугулланиши учун спорт секциясини қай тарзда танлаши лозим?”

12 ёшли ўғил боланинг ота-онаси қўшнининг фарзандига хавас қилиб, ўзларининг фарзандини ўрта мактаб биносида фаолият юритаётган баскетбол секциясига олиб келиб, мураббий билан танишиб, унга ўз ниятларини билдиришди. Мураббий улар билан сұхбатлашиб, спорт секциясидаги мавжуд шарт-шароитлар, машғулотлар тартиби тўғрисида маълумот бериб, машғулотларни умумий гурӯҳ таркибида эртадан бошласа бўлаверади деб ота-онани ҳурсанд қилди.

Кичик гуруҳларга бўлинниб, мазкур вазиятни тахлил қилинг ва фикрингизни билдиринг.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- 12 ёшли боланинг ота-онаси томонидан амалга ошириш лозим бўлган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг ва вазиятни ҳал қилиш учун ечимни белгиланг (жуфтликлардаги иш).

2-Муаммоли вазият:

“Спорт билан шугулланишида саломатликнинг бошлангич холати аҳамиятлими?”

6 ёшли қиз боланинг қомати асимметрик ривожланиб келмоқда. Шифокорнинг тавсиясига кўра у тегишли даво муолажаларини олиши керак. Бироқ оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини спорт билан шуғулланиши лозимлиги кенг тарғибот қилиниб келяпти ва буни кўриб эшитган она бадиий гимнастика билан шуғулланаётган қизчаларнинг қомати одатда чиройлиги, тана ўлчамлари мутаносиблигига аҳамият бериб, қизини айнан бадиий гимнастика

спорт турига бериш мақсадга мувофиқ бўлиб, натижада қизи ҳам жисмонан ривожланиб, ҳам хасталиқдан ҳалос бўлишига ишонч ҳосил қиласди.

Кичик гурухларга бўлинib, мазкур вазиятни тахлил қилинг ва фикрингизни билдиринг.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурухда).
- Шифокор тавсиясига кўра 6 ёшли қизнинг ота-она томонидан бажариладиган вазифалар кетма-кетлигини ишлаб чиқинг ва вазиятни ҳал қилиш учун ечимни белгиланг (жуфтликлардаги иш).

3-Муаммоли вазият:

“Маълум спорт турига йўналиришида ёки спорт турини алмаштиришида нималарга аҳамият берииш лозим?”

Мураббийлар кенгашида қуйидаги муаммо ўртага ташланди: спорт мактабида 360 нафар ўқувчилар енгил атлетика, бокс, дзюдо, сузиш, камондан ўқ отиш, спорт гимнастикаси ва акробатика спорт турлари бўйича таълим олишади. Мактабда ўқувчиларнинг спорт турлари бўйича тақсимланиши турлича бўлиб, натижада мураббийларнинг ўқув юкламаси хаддан ташқари ортиб кетган, бошқа мураббийларники эса аксинча – ўқув соатлари ҳам, ўқув юкламаси ҳам бажарилмай келаяпти. Масалан, енгил атлетикада 120 нафар, боксда 35 нафар, дзюодода 15 нафар, сузишда 70 нафар, камондан ўқ отишда 5 нафар, спорт гимнастикаси ва акробатикада 115 нафар ўқувчи шуғулланади. Шу вазиятда кенгаш аъзолари ўқувчиларни спорт турлари бўйича нисбатан тенг тақсимлаш лозимлигини этиб ўтиб, бунинг учун энг осон ва қулай йўли, ўқувчилар билан сухбатлашиб, уларни “оммабоп”роқ спорт туридан қатновчилари камроқ спорт турларига ўтказишни мақбул қўришди. Аммо бу фикрга кенгашда иштирок этаётган мактаб услубчиси ва шифокори қаршилик билдиришди.

Кичик гурухларга бўлинib, мазкур вазиятни тахлил қилинг ва фикрингизни билдиринг.

Вазиятларни таҳлил қилиш варағи

| Таҳлил босқичининг номи | Таҳлил босқичининг мазмуни | Таҳлил натижалари |
|--|---|------------------------------|
| <i>Кейсдаги берилган вазият билан танишиш</i> | Берилган аниқ вазият таҳлили ва вазифани ечиш учун маълумотларни аниқлаш | |
| <i>Шу кундаги вазият таҳлили</i> | Муаммо бўйича ҳақиқий ҳолатни кўриб чиқиш ва вазиятли таҳлил ўтказиш. Шу кундаги вазият таҳлилига нисбатан тахминларни илгари суриш | |
| <i>Муаммони ифодалаш</i> | Асосий муаммони ажратиш ва унинг таркибларини (белгилари; исботлари) аниқлаш | |
| <i>Муаммо ечимининг альтернативларини танлаш</i> | Вазиятли топшириқда имқониятли альтернатив ечимларни ифодалаш. Ечимлар вариантларини кўриб чиқишида уларни танлаш ва асослаш: <ul style="list-style-type: none"> – устуналиги ва кутилаётган натижалар; – камчиликлар ва ҳаражатлар | |
| <i>Унинг ечими ва амалга оширилиши</i> | Аниқ хulosани батафсил ишлаб чиқиш ва танловнинг мақсадга мувофиқлигини тушунтириш: <ul style="list-style-type: none"> - Нима? - Қачон? - Қаерда? - Нима учун? - Қандай? | |

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташқил этишнинг шакли ва мазмуни

Мазкур модул бўйича мустақил таълим жараёнида тингловчи қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

- мавзулар бўйича дарслик ва ўкув қўлланмаларни тегишли бобларининг мазмунини ўзлаштириш;
- маъruzalarнинг маълум қисмларини тарқатма материаллар ёрдамида ўзлаштириш;
- маҳсус адабиётларни ўрганган холда модул мавзулари устида ишлаш;
- тегишли асбоб-ускуналар билан ишлаб, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;
- ўқув-илмий тадқиқот ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган модул мавзулари ва бўлимларини чукур ўрганиш.
- интерфаол ва масофавий таълим услубларидан кенг фойдаланиш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Спортчиларда спорт турига қараб адаптация жараёнининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Спортчи болалар ва ўсмирларда адаптация жараёнининг кечиши.
3. Юқори жисмоний юкланишлар натижасида организм тизимларида вужудга келиши мумкин бўлган патоморфологик ўзгаришлар ва уларни олдини олиш усуллари.
4. Конституционал морфологиянинг инсон организмининг жисмоний ривожланишига таъсири.
5. Инсон соматотипларининг унинг жисмоний ривожланиши билан ўзаро боғлиқлиги.
6. Спорт танлови жараёнида аҳамиятга эга одам танасининг асосий антропометрик ўлчамлари.
7. Генетик маркерларнинг спорт танлови жараёнидаги ўрни ва уларни амалиётда қўллаш.
8. Спорт танлови ва ориентациясининг юқори спорт натижаларига эришишдаги аҳамияти.
9. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахсни муайян спорт турига мойиллигини ёки иқтидорлигини аниқлаш усуллари.

VII. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|--------------------------|---|---|
| Адаптация | Организмни ташқи муҳит таъсирларига маълум физиологик тизимларининг функцияларини алмаштириш эвазига мослашиш қобилияти | Ability of an organism to adapt to influences of external environment, changing functions of separate physiological systems |
| Адаптацион жараён | Организмнинг ички муҳитини сақлаб қолган холда тирик жонзотни ташқи муҳитнинг зарарли омиллар таъсирига бардошлигини кучайишини таъминловчи жараён | Process of adaptive reorganizations consists in ensuring preservation of constancy of the internal environment of an organism, increase of ability live to resist to destructive action of factors of external environment |
| Генетик маркерлар | Ташқи муҳит омиллариغا бўйсингандиган генотипик белгилар гурӯҳи | The group of hereditary signs, which do not obey factors of the external environment |
| Гиподинамия | Гипокинезия натижасида вужудга келадиган организм фаолиятининг бузилиши бўлиб, ўзгаришлар деярли барча функционал тизимларда рўй беради. Гиподинамия ҳозирги замон инсоният саломатлигини бузувчи механизмларидан бири саналади | The complex of violations in activity of an organism which is a hypokineziya consequence; changes cover practically all functional systems. The hypodynamia is considered as one of mechanisms of violations of health of the modern person |
| Гипокинезия | Кўнгилли харакатлар хажмини камайиши, харакат фаолиятини пасайиши. Кам харакатли хаёт тарзида ривожланиб, брадикинезия (харакатлар сёкинлашиши), олигокинезия (харакатлар бошланиши босқичининг қийинлашиши) кўринишида | Decrease in any movements and their volume, the lowered physical activity. Develops at an inactive way of life, it is shown by a bradikineziya (slowness of movements), an oligokineziya (the complicated start of motion, fast fatigue, amplitude and speed of the |

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|--|--|--|
| | намойиш бўлади | movement) |
| Гипоплазия | Тўқима, аъзо, тана қисмининг икки сигмадан ортиқ ўсиш ёки ривожланишидан орқада колиши | The underdevelopment of tissue, body, part of a body exceeding a deviation from average values in two sigma |
| Дастак | Ўз ўки атрофида харакат қилиш имкониятига эга бўлган, елкаларига эса бир вақтда икки қарама-қарши куч: харакатлантирувчи куч (мушаклар қисқариши) ва қаршилик кучи таъсир этувчи тана тушунилади | The body having an opportunity to move around its own axis, on the shoulders of which affect the same time two opposing forces: moving force (as a result of muscle reduce) and traction force |
| Декомпенсация | Организмнинг функционал ва тузулмавий нуқсонларни тиклаш мослашув механизmlарини етишмовчилиги ёки бузилиши | Insufficiency or failure of adaptive mechanisms of restoration of the functional and structural defects of an organism |
| Диагностика | Шахсий тиббий-биологик ва ижтимоий хусусиятларини, инсон саломатлиги холатини аниқлаш; саломатлик меёrlари ва физиологик холатларнинг мазмуни, услублари ва аниқлаш тамойилларини ўрганиш ва ташхис қўйиш тўғрисида таълимот | Process of research of the person, supervision and analytical estimates for determination of specific medical biological and social features, his states; the doctrine about contents, methods and the principles of recognition of special physiological states and aberrations of health, statement of the diagnosis |
| Мушакнинг ауксотоник иш тартиби | Мушакнинг узунлиги ўзгариши билан тонуси ўзгариши | The muscle tonus is changed with change of its length |
| Мушакнинг изометрик иш тартиби | Мушакнинг тонуси ўзгариб, узунлиги ўзгармаслиги | The muscle tonus is changed without change of its length |
| Мушакнинг изотоник иш тартиби | Мушакнинг узунлиги ўзгариб, тонуси ўзгармаслиги | The muscle length is changed without change of its tonus |

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|-------------------------|---|--|
| Релаксация | Мушак томонидан қаршилиқ кучига бардош бера олмаслик иш тури бўлиб, мушак толалари бўшашган ва чўзилган холда бўлади | Type of work, characterized by the impossibility of muscle anti action in the weakening or elongation of muscle fibers |
| Саломатлик | Тўлиқ жисмоний, маънавий ва ижтимоий барқарорлик холати, нафақат хасталиклар ва жисмоний нуқсонлардан холиликдир (Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташқилотининг таснифи) | Condition of full physical, spiritual and social wellbeing, and not just absence of diseases and physical defects (definition of World Health Organization) |
| Ташхис | Инсонни ҳар томонлама тиббий-биологик текширувдан сўнг унинг саломатлигининг аҳволини баҳоловчи хулоса; дастлабки, аник, эрта, якуний, клиник, мажмуавий, дифференциал ва б. ташхислар турлари мавжуд | The conclusion about a state of health and the nature of an illness of the person on the basis of his comprehensive medical biological inspection; distinguish preliminary, exact, early, final, clinical, complex, differential, etc. diagnoses |
| Харакат фаолияти | Организм томонидан мунтазам равишда бажариладиган мушак харакатларининг умумий сони; оптималь диапазондан силжиши организм фаолиятига салбий таъсир кўрсатади; меёрдан ортиқ мушак фаолияти чарчашиб ва зўриқишига олиб келади, меёрдан ками эса – жисмоний кучсизликка | Total of the muscular movements which are regularly carried out by this organism; deviations from optimum range work adversely: excessive muscular work leads to overfatigue and an overstrain, insufficient – to a physical defitness |
| Хасталик | Организмга хос мослашув реакция бўлиб, ташқи ва/ёки ички муҳит омилларининг хаддан ташқари кучли ёки узоқ муддатли таъсири остида вужудга келадиган холат | The adaptation and compensatory reaction of an organism arising at long or excessively strong influence of factors of external and/or internal environment |

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Махсус адабиётлар:

1. M.Dunford, Y A Doyle. Nutrition for sport and exercise. / USA. – 2013.
2. Mark D. Mamrack. Exercise sport pharmacology. / USA. – 2015.
3. Спортивная медицина. Национальное руководство. / Под ред. С.П.Миронова, Б.А.Поляева, Г.А.Макаровой. – М.: Гэотар-Медиа. – 2012 г. – 1182 с.
4. Спортивная фармакология и диетология. / Под ред. С.А.Олейника, Л.М.Гуниной. – М.-С-Пб.-К.: Диалектика. – 2008 г. – 249 с.

Интернет-ресурслар:

5. www.ziyonet.uz – Таълим портали.
6. www.libsport.ru – Спорт энциклопедияси портали.
7. www.bmsi.ru – Спорт фаолиятини тиббий таъминотига оид маълумотлар кутубхонаси.
8. www.sportmed.ru – Спорт тиббиёти портали.
9. www.ocw.mit.edu – Масачуссетс технологик институтининг очик ўкув курслари портали.
10. www.coursera.org – Жаҳон етакчи университетлар қонсорциумининг очик ўкув курслари портали.
11. www.universarium.org – МДҲ давлатлари етакчи олий таълим муассасаларининг очик ўкув курслари портали.